

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ
БОЖХОНА ИНСТИТУТИ

Ҳ.И.Исмоилов

ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ

(Жиноий жазо турлари)

ўқув қўлланма

ТОШКЕНТ

УДК 343(075.8)

ББК 67.408 я73

Х.И.Исмоилов, - Жиноят ҳуқуқи (жиноий жазо турлари). Ўқув қўлланма. – Т.: БИ, 2020 й. 88 б.

Тақризчилар:

А.Тошпулатов **ТДЮУ Ўқув-услубий бошқармаси
бошлиғи, ю.ф.н.**

Н. Усмонов **ДБҚ Суриштирув ва маъмурий
амалиёт бошқармаси бошлиғи
ўринбосари**

Мазкур ўқув қўлланма Божхона институти курсантлари ва тингловчилари учун мўлжалланган бўлиб, унда Республикаиз божхона чегаралари орқали товарлар ва бошқа қимматликларни ноқонуний равишда олиб ўтилиши билан боғлиқ қонун ҳужжатларини бузиш ҳолатлари бўйича қўлланиладиган жиноий жазо чораларининг ўзига хос хусусиятларини қамраб олади.

Шунингдек, қўлланмада божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик жинояти бўйича қўлланиладиган жиноий жазо чоралари назарий жиҳатдан асослаб беришга ҳаракат қилинган.

Ўқув қўлланмадан божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик жинояти бўйича жиноий жазо чораларини қўллаш бўйича божхона органларининг ролини назарий жиҳатларини ўрганиш, ушбу йўналишга оид қонунларни мукаммал эгаллаш, уларни амалиётда тўғри тадбиқ эта олиниши муҳим эканлигини эътиборга олиб, Божхона институти профессор-ўқитувчилари ва курсантлари, тингловчилари ўқув жараёнида ҳамда амалиётчи ходимлар хизматда фойдаланишлари учун тавсия этилади.

Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2021 йил 1 мартағи 110-сонли буйруғи билан олий ўқув юртларининг “Юриспруденция” таълим йўналиши бўйича таҳсил олувчиларга ўқув қўлланма сифатида тавсия этилган (рўйхатга олиши рақами 110-326).

ISBN 978-9943-7875-9-9

© Божхона институти, 2020

МУНДАРИЖА

Кириш.....	4-7
 I-боб. Хуқуқий муносабатларда жиноий жавобгарлик масалалари.....	8-41
 1.1§. Жиноий жавобгарлик асослари.....	8-18
 1.2§. Божхона ҳақидаги қонун хужжатларини бузиш жинояти учун жиноий жавобгарликнинг ўзига хос хусусиятлари.....	18-28
 1.3§. Хорижий давлатлар қонунчилигига назарда тутилган жиноий жазолар.....	28-40
 II-боб. Жиноий жазо чораларининг турлари.....	41-86
 2.1§. Жиноий жазоларни қўллаш асослари ва тизими	41-56
 2.2§. Жарима, мажбурий жамоат ишлари, озодликни чеклаш жазоларини қўллаш асослари.....	56-66
 2.3§. Ахлоқ тузатиш ишлари ва озодликдан маҳрум қилиш жазоларининг қўлланилиши.....	67-78
 2.4§. Жиноий жазо чораларини либераллаштириш.....	79-86
 Адабиётлар рўйхати.....	87-88

КИРИШ

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг иккинчи йўналиши қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишга қаратилган бўлиб, унда жиноят ва жиноят процессуал қонунчилигини такомиллаштириш ва либераллаштириш, алоҳида жиноий қилмишларни декриминаллаштириш, жиноий жазолар ва уларни ижро этиш тартибини инсонпарварлаштириш белгиланган.¹

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари олдида бошқа жиноятлар билан бир қаторда божхона ҳақидаги қонун хужжатларининг бузилиши билан боғлиқ жинояларга қарши курашиш энг муҳим вазифалардан бири бўлиб турибди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 апрел куни қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5414-сонли фармони ва “Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-3665-сонли қарори, 2020 йил 5 июндаги “Божхона маъмуриятчилигини ислоҳ этиш ва Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-6005-сон Фармони билан давлат божхона хизмати органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш, божхона қонунчилиги ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш, товарларни ноқонуний олиб кириш механизmlарини аниқлаш ва таҳлил қилиш, божхона соҳасидаги қонунбузилиш ҳолатларининг сабаб ва шарт-шароитларини чуқур ўрганиш, уларни бартараф этиш бўйича самарали чора-тадбирларни амалга ошириш,

¹2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг 2.3-банди. <https://lex.uz/docs/3107036>

жавобгарликнинг муқарралигини таъминлаш бўйича асосий вазифалар ва устувор йўналишлар белгилаб берилди.

Шу ўринда, Президентимиз Шавкат Мирмонович Мирзиёев томонидан 2016 йил 19 октябрь куни Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг VIII съездидаги “Демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, барқарор ривожланишни таъминлаш - халқимиз учун муносиб ҳаёт даражасини яратишнинг кафолатидир” деб номланган маърузаларида қуидагиларни таъкидлаб ўтганларини айтиб ўтиш жоиз: “...Жиноят учун жазо муқаррар, албатта. Лекин ўзимизга бир савол берайлик - фуқароларимиз жиноят йўлига кириб қолмаслиги, шу жиноят яна қайтарилмаслиги учун ким нима иши қиляпти? Шу нуқтаи назардан, фаолиятимиз, биринчи навбатда, айбдор шахсни жавобгарликка тортиб, унга «судланган» деган тамғани босишига эмас, аксинча, ҳуқукбузарликларнинг барвақт олдини олиш ва профилактикасига қаратилиши зарур.”²

Хозирги кунда Республикаизда олиб борилаётган ислоҳотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича бир қанча ишлар амалга оширилмоқда.

Ўтган йиллар мобайнида мамлакатимиз жиноят ва жиноят-процессуал қонун ҳужжатларида унинг нормаларини такомиллаштиришга, жиноят процессига жалб этиладиган фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини сўзсиз таъминлаш мақсадида илғор халқаро стандартлар ва хорижий амалиётни имплементация қилишга қаратилган сезиларли ўзгаришлар юз берди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги “Жиноят ва жиноят процессуал қонунчилиги тизимини тубдан

² Мирзиёев, Шавкат Мирмонович Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги боскичга кўтарамиз. - Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017 . - 52 б.

такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3723-сон қарори билан тасдиқланган “**Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш**” Концепциясида мамлакатнинг жиноий-хуқуқий сиёсатини самарали рўёбга чиқаришга тўсқинлик қилаётган, жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигидаги айрим нормаларнинг мукаммал эмаслиги билан боғлиқ бўлган қатор муаммо ва камчиликлар сақланиб қолинаётганлиги, хусусан:

жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимида фуқароларнинг хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилиш, жиноят ишлари бўйича судгача ва суд жараёнида қонунийликни таъминлашга тўсқинлик қилаётган хуқуқий бўшлиқларнинг мавжудлиги;

жиноятларни профилактика қилиш ва олдини олиш, шунингдек, фуқароларга юксак хуқуқий маданият ва қонунга ҳурмат ҳиссини сингдириш борасидаги механизмларнинг етарли даражада тартибга солинмаганлиги;

алоҳида турдаги жиноятлар учун санкциялар қилмишларнинг ижтимоий хавфлилик хусусияти ва даражасига номувофиқлиги, жумладан жазонинг муқобил турлари, рағбатлантирувчи нормалар ва жамоат таъсир чоралари етарли даражада қўлланилмаслиги ва самарасизлиги давлат жиноят-хуқуқий сиёсатининг мутлақо янги устувор йўналишларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни талаб этаётганлиги таъкидланган.

Шу билан бирга, Концепцияда **жиноий жавобгарлик ва жазо тизимини такомиллаштириш** бўйича жиноят содир этган шахсларга нисбатан жавобгарлик муқаррарлигининг ишончли кафолатини таъминлаш;

жазолар тизими ва уларни тайинлаш механизмларини қайтадан кўриб чиқиш, эскирган ҳамда замонавий талабларга жавоб бермайдиган жазолар шакли ва турларини чиқариб ташлаш;

жиноят содир этишда айбдор деб топилган шахсларни тарбиялаш, шунингдек, содир этилиши мумкин бўлган жиноятларнинг олдини олишга қаратилган жазо турлари ва бошқа хуқуқий таъсир чораларини жорий этиш;

рағбатлантирувчи нормаларни, жумладан жазони енгиллаштириш ёки шахсни жиной жавобгарлик ёхуд жазодан озод қилиш шартларини ўрнатувчи нормаларни кенгайтириш белгиланди.

Шу ўринда, таъкидлаш жоизки, амалиётда божхона тўғрисидаги қонун хужжатларини бузиш жинояти бўйича жавобгарликка тортиш масалаларини ҳал қилишда айрим муаммолар мавжуд бўлиб, мазкур ўкув қўлланмада қонунчиликни такомиллаштириш ва жиноий жазоларни либераллаштиришга қаратилган таклиф ва мулоҳазалар ҳам билдирилган.

Ўкув қўлланмада жиноий жазо чораларини ўзига хос хусусиятларини назарий жиҳатдан асослаб беришга ҳаракат қилинган, шунингдек, қўлланманинг ҳар бир параграфларига амалиётда учраётган муаммоли масалалар (казуслар) келтирилиб, ушбу йўналишга оид қонунларни мукаммал эгаллаш, уларни тўғри тадбиқ эта олиниши муҳим эканлиги эътиборга олинган.

I БОБ. ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРДА ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИК

МАСАЛАЛАРИ

1.1 §. Жиноий жавобгарлик асослари.

Жиноий жавобгарлик деганда, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан суд томонидан ҳукм қилиш, жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланишида ифодаланадиган жиноят содир этишнинг ҳуқуқий оқибати тушунилади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 16-моддаси 2-қисмида жиноят учун жавобгарлик ва унинг асослари белгиланган бўлиб, унда: “Ушбу Кодексда назарда тутилган жиноят таркибининг барча аломатлари мавжуд бўлган қилмишни содир этиш жавобгарликка тортиш учун асос бўлади”, -деб кўрсатилган.

Жиноий жавобгарлик ҳуқуқий жавобгарликнинг бир кўриниши бўлиб, у жиноят қонунида белгилаб қўйилган ва суд томонидан жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан жавобгарликни қўллашдан иборатdir. Шунга мувофиқ равишда жиноий жавобгарлик жавобгарликнинг бошқа турлари (ахлоқий, фуқаровий, маъмурий ва х.к.)дан энг аввало ўзининг мазмуни жиҳатидан фарқ қиласи.

Жиноий жавобгарлик тушунчаси умумий жиҳатдан давлат ва жиноят содир этган шахс ўртасида келиб чиқадиган жиноий ҳуқуқий муносабат сифатида тушунилади. Бунда давлатда жиноят содир қилган шахсга нисбатан жиноий ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш ҳуқуқи вужудга келади. Жиноят содир қилган шахсга нисбатан фақат шу ҳуқуқбузарлик учун санкцияда белгиланган жазо чорасини қўллаш мажбурияти вужудга келади ва унга нисбатан худди шундай таъсир чораси қўлланилади.³

Жиноий жавобгарлик тушунчасини талқин қилишда учта назария аҳамиятлидир:

³ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шархлар. Тошкент. 2017 йил. 1-том.

Биринчи назария, жиноят содир этган шахсга нисбатан жиноий жавобгарлик шахсий ёки мулкий хусусиятдаги таъсир чораси эканлигини ифодалайди.

Иккинчи назария, жиноий жавобгарлик жиноят қонунчилигига кўрсатилган давлат мажбурлов чораси сифатида тушунади, яъни айбордга нисбатан судланганлик оқибатини келтириб чиқарувчи мажбурлов чораси қўлланилади.

Учинчи назария, жиноий жавобгарлик деганда, барча жиноят ҳуқуқий муносабатларни, шунингдек шахс ва давлат ўртасидаги (ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар тимсолида) муносабатлар тушунилади.

Жиноий жавобгарлик вужудга келган вақтдан бошлаб шахснинг жиноий жавобгарлиги масаласи кўрилади. Жиноий жавобгарлик масаласи шахсни суриштирув ва дастлабги терговга жалб қилиш (мажбурлов ва эҳтиёт чораларини қўллаш), ишни судда кўриш, айлов ҳукмини (далолатномаси) чиқариш, шартли ҳукм қилиш ва судланганлик шаклларида амалга оширилади. Судланганликнинг тугаши ёки олиб ташланиши билан жиноий жавобгарлик тугайди. Суд ҳукмининг қонуний кучга кириши билан жиноий жавобгарлик бошланади ёки тамом бўлади. Суднинг айлов ҳукми қонуний кучга кириши билан ҳукмда белгиланган давлатнинг мажбурлов чораси жиноят содир этган шахсга нисбатан таъсир қиласди. Ёки шу вақтдан бошлаб жиноий жавобгарлик тугайди. Натижада жиноий жавобгарлик белгиланмайди ва судланганлик юзага келмайди.

Жиноий жавобгарлик бир қатор ҳуқуқий белгиларга эга бўлиб, улар қўйидагилардан иборат:

биринчидан, ўз юридик мазмунига қўра жиноий жавобгарлик ҳуқуқий оқибат келтириб чиқаради;

иккинчидан, жиноий жавобгарликни фақат шахснинг айби билан содир этилган ижтимоий хавфли қилмиши вужудга келтиради;

учинчидан, суд қилмиш, жазо ёки бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларни қўллашдек давлатнинг мажбурлов шаклларида ифодаланади;

тўртинчидан, у жиноий ҳуқуқий муносабатлар доирасида пайдо бўлади, амалга ошади ва бекор булади.

Жиноий жавобгарлик суднинг айблов ҳукмига оид қарори, яни жиноятни содир этишда айбдор деб топилган шахснинг судланишидан бошланади. Жиноий жавобгарлик қуйидаги шаклларда амалга оширилиши мумкин:

1. айбдорни жазо қўлламасдан суд қилиш;
2. айбдорга жазо белгилаб, аммо уни реал ижросидан озод қилиб суд қилиш;
3. айбдорга жазо белгилаб, уни ижро этган ҳолда суд қилиш;
4. айбдорга жазо ва тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш, шунингдек уларни реал ижро этишни белгилаш билан суд қилиш.

Жиноий жавобгарлик ўзига хос ҳусусиятларга эга бўлиб бошқа ҳуқуқий жавобгарликлардан фарқ қиласди. Булар:

1. Қўлланиш асосига кўра. Жиноий жавобгарлик фақат Жиноят кодекси Махсус қисм моддасида кўрсатилган жиноят таркибининг барча элементлари мавжуд бўлган ижтиомий хавфли қилмишни содир этган шахсларга нисбатан қўлланади. Моддий заарни қоплаш тарзидағи фуқаролик жавобгарлиги, нафақат жиноят таркибини ташкил қилувчи қилмишлар туфайли моддий заарар етказилганида, балки бошқа ҳукуқбузарликлар натижасида заарар етказилганда ҳам қўлланилади.

2. Жавобгарликнинг мазмунига кўра. Жиноий жавобгарлик давлат мажбурлов ҳусусиятига эга бўлиб давлат номидан қўлланилади. Қолган таъсир чоралари эса бундай ҳусусиятга эга эмас.

3. Жиноий жавобгарликни қўлловчи субъектга кўра. Жиноий жавобгарлик фақат суд томонидан айблов ҳукми асосида қўлланади. Бошқа ҳеч қандай мансабдор шахс бундай таъсир чорасини қўллай олмайди. Бошқа жавобгарлик чоралари суддан ташқари ваколатли органлар ва мансабдор шахслар томонидан қўлланиши мумкин.

4. Қўллаш тартибига кўра. Жиноий жавобгарликка тортишнинг махсус тартиби фақат Жиноят процессуал кодексида белгиланган. Жиноят процессуал кодекси суриштирув, тергов органлари ва суд томонидан жиноий жавобгарликка тортиш тартибини белгилайди. Қолган ҳуқуқий тасир чоралари эса бошқа ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинади.

5. Жавобгарликка тортилувчи субъектлар доирасига кўра. Жиноий жавобгарлик алоҳидалик ҳусусиятига эга бўлиб, фақат жиноят содир этган жисмоний шахсга нисбатан қўлланади. Бошқа жавобгарлик чоралари эса юридик шахсларга нисбатан ҳам қўлланиши мумкин. Масалан, Фуқаролик кодексида юридик шахслар учун ҳам жавобгарлик белгиланган.

Жиноят кодекси фақат жисмоний шахснинг, яъни инсоннинг жиноий жавобгарликка тортилишини белгилайди. Бу Ўзбекистон Республикаси Жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатларига кўра, юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлиги инкор этилишини англатади.

Халқаро шартномалар, битимлар ёки амалдаги қонунларга мувофиқ, чет эл фуқароларининг жавобгарлиги тўғрисидаги масала Ўзбекистон Республикаси судларига тегишли бўлмаса, улар Ўзбекистон Республикаси худудида жиноят содир этган ҳолда, халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ ҳал қилинади.

Жиноят кодексининг 11-моддаси Ўзбекистон Республикаси жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатларидан худудийлик принципини қонуний истисно қилиш ҳолатларини белгилайди. Бу давлат вазифаларини бажарувчи айrim шахсларни жиноий жавобгарликка тортишда ҳуқуқий иммунитет берилиши ҳақида ҳозирги замон жаҳон концепциясини ифода қиласи.

Иммунитетдан фойдаланиш ҳуқуқи берилган шахсни содир этган ижтимоий хавфли қилмишнинг тури ва даражасидан қатъи назар қайси мамлакат манфаатларига хизмат қилган бўлса ўша давлат розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилмайди.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, Ўзбекистон худудида қуйидаги чет эл фуқаролари иммунитет ҳуқуқидан фойдаланиши мумкин:

- * чет эл давлатларининг дипломатик ваколатхона ходимлари;
- * чет эл давлатларининг консуллик ваколатхона ходимлари;
- * халқаро ҳукуматлараро ташкилотлар ходимлари;
- * чет эл давлатларининг бошқа вакиллари.

Жиноий жавобгарликнинг фактик асоси шахс томонидан содир мавжуд.

Жиноий жавобгарликнинг фактик асоси шахс томонидан содир этилган қилмишдир. Қилмишнинг жиноят деб тан олиниши учун унда қонунда кўзда тутилган жиноят таркибининг барча белгилари мавжуд бўлиши керак.

Жиноий жавобгарликнинг юридик (норматив) асоси Жиноят кодексида кўзда тутилган жиноят таркибидир. Фактик ва норматив асослар жиноий жавобгарликнинг умумий асосини ташкил қиласди. Содир этилган қилмиш билан қонунда кўрсатилган белгилар ўртасида тўла мувофиқлик мавжуд бўлса, қилмишга баҳо бериш давлатнинг ваколатли идораларига айборни жиноий жавобгарликка тортиш бўйича ўз ҳуқук ва мажбуриятларини амалга ошириш имконини беради.

Юқоридагилардан қуйидагича хulosса қилиш мумкин:

1. Жиноий жавобгарлик учун ягона ва етарли асос – содир этилган қилмишда жиноят таркибининг барча белгиларининг мавжуд бўлишидир.

Жиноят кодексида жиноят таркиби тушунчаси берилмаган бўлсада, жиноят ҳуқуки назариясида жиноят таркибига таъриф берилган. Жиноят таркиби деганда, Жиноят кодексида жавобгарлик белгиланган муайян ижтимоий хавфли қилмишни жиноят сифатида тавсифлайдиган объектив ва субъектив элементларнинг йиғиндиси тушунилади. Жиноят кодекси Махсус қисм нормаларининг диспозициясида қайси қилмиш жиноят эканлиги кўрсатилган ва уларга таъриф берилган. Жиноятнинг объектив белгилари ёрдамида Жиноят кодекси билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатлар (жиноятнинг объекти), қилмишнинг ўзи ҳамда оқибатлари ва улар ўртасидаги сабабий боғланиш (жиноятнинг объектив томони); жиноятнинг субъектив

белгилари орқали айб, жиноятнинг мотиви ва мақсади (субъектив томон) ва жиноят содир эттган шахсга қўйиладиган талаблар англаради.

2. Фақат содир этилган қилмишда жиноят таркиби бўлиши мумкин. Бу орқали Жиноят кодексида шахсни жиноят содир этиш ҳақидаги фикр, ўй, хаёл учун жиноий жавобгарликка тортилмаслиги кафолатланади.

3. Жиноят таркиби мавжуд бўлган қилмиш ижтимоий хавфли, ижтимоий муносабатларга тажовуз қилган ёки улар шундай зарарни етказишнинг реал хавфини келтириб чиқарган бўлиши лозим. Жиноий жавобгарлик асослари белгиланган Жиноят кодексини 16-моддасида қилмишнинг ижтимоий хавфли бўлиши кўрсатилмаган. Лекин Жиноят кодексининг бошқа моддалари мазмунидан шахснинг, давлат ёки жамият учун хавфли бўлган қилмишлар жиноят деб ҳисобланади.⁴

Қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги объектив мезон ҳисобланади. Конун чиқарувчининг вазифаси қилмишни ижтимоий хавфли деб баҳолаб, унга қарши курашишидан иборатdir. Агар қилмишда жиноят таркибининг барча белгилари бўлиб, лекин у ижтимоий хавфли бўлмаса, у жиноят деб топиилмайди.

4. Жиноий жавобгарликка тортиш асосини аниқлаш учун содир этилган қилмишни Жиноят кодекси Махсус қисм нормаси билан таҳлил қилиш лозим. Агар содир этилган қилмишнинг таркибий элементлари Махсус қисм моддаси диспозициясида кўрсатилган жиноят таркибига мувофиқ бўлса, содир этилган қилмишда жиноят таркиби мавжуд бўлиб, шахсни жиноий жавобгарликка тортиш учун асос бўлади. Агар содир этилган қилмишда жиноятнинг бирор белгиси бўлмаса ёки у ижтимоий хавфли бўлмаса, жиноят деб баҳоланмайди.

Жиноят объектив томонининг зарурый белгиси жиноий оқибатdir. Инсоннинг ҳар бир ҳаракати атрофдаги реалликда маълум ўзгаришларни юзага келтиради. Жиноий ҳаракат (ҳаракатсизлик)нинг ижтимоий хавфли

⁴ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар. Тошкент. 2017 йил. 1-том.

оқибати шундаки, у ўзи туфайли ижтимоий хавфли оқибатни юзага келтиради.

Жиноий оқибат жиноятнинг ижтимоий муносабатларга етказадиган реал зарари бўлиб, у жиноий хулқ билан сабабий боғланган тўғри, эгри, бевосита ва билвосита салбий ўзгаришлар (зарар, зиён, йўқотиш ва ш.к.)да ифодаланади, охирги ҳисобда эса, ижтимоий (иктисодий, аҳлоқий, ҳуқуқий ва бошқа) қимматликлар салбий ўзгаришларга дучор бўлади. Жиноий оқибат деганда қилмишнинг содир этилиши натижасида жиноят ҳуқуқи билан қўриқлананаётган ижтимоий муносабатларда юз берган ўзгаришни тушуниш керак. Оқибат тўғридан-тўғри зарар етказади ёки бевосита зарар етказиш хавфини туғдиради. Моддий таркибли жиноятларда жиноий оқибат келиб чиқиши зарурӣ элемент, формал таркибли жиноятларда оқибат келиб чиқиши талаб қилинмайди

Жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларга моддий ёки номоддий кўринишда ифодаланадиган зарар, зиён ёхуд бошқача салбий ўзгаришда ифодаланади.

Жиноий-ҳуқуқий оқибатларни қуйидаги мезонларга қараб гуруҳларга ажратиш мумкин:

- * зарарнинг хусусиятига қараб;
- * етказилган зарарнинг хавфлилик даражасига қараб;
- * қонунда белгиланишига қараб;
- * жиноятни квалификация қилиш аҳамиятига қараб.

Ижтимоий хавфли қилмиш натижасида келиб чиқадиган оқибатларни моддий ва номоддий турларга бўлиш мумкин.

Моддий оқибат - аниқ исботлашга мойил мулкий ва жисмоний зарар кўринишидаги оқибатлардир. Жисмоний зарар шахс ўлимида ёки турли даражадаги соғлиққа зарар етказишда ифодаланса, мулкий зарар, масалан, ўзгалар мулкини талон-тарож қилишга қаратилган жиноятлар жабрланувчи мулкини камайтиришга қаратилади. Моддий ва жисмоний зарарни аниқ ўлчаш имконияти мавжуд. Шунинг учун бундай зарарни жиноят

таркибларида миқдорига кўра фарқлайдилар. Бунда оддий, оғирлаштирувчи ва маҳсус таркибларга бўлиш одат қилинган. Мисол учун мулкни талонтарож қилишда: талон-тарож кўп ва жуда кўп миқдорда бўлади. Бироқ моддий заарларнинг сиёсий, мафкуравий, ташкилий, руҳий, ижтимоий ва бошқа томонларини ўлчаш анча мураккабдир.

Номоддий оқибат эса икки турда ифодаланади:

- реал зиён кўринишидаги номоддий зарар, масалан, Жиноят кодекси 144-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган зарар;
- зарар етказиш хавфи кўринишидаги оқибат;

Етказилган заарнинг хавфлилик даражасига кўра оқибат икки гурӯхга бўлинади:

- асосий жиноят таркиби белгиси сифатида назарда тутилган, масалан, 104-модда биринчи қисми қасдан баданга оғир шикаст етказиш;
- квалификация қилинган жиноят таркиби белгиси сифатида назарда тутилган, масалан, 104-модда учинчи қисми жабрланувчининг ўлимига сабаб бўлган қасдан баданга оғир шикаст етказиш.

Қонунда белгиланишига қараб:

- Жиноят кодекси Маҳсус қисми моддаси диспозициясида аниқ белгиланган оқибат;
- баҳоланувчи оқибат, яъни қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий хужжатларда бундай заарнинг аниқ кўрсатилмаган бўлиб, улар ҳуқуқни татбиқ қилувчи органлар томонидан қилмиш содир бўлганда фактик ҳолатлардан келиб чиқиб белгиланиши, бунга мисол қилиб, жиноий-ҳуқуқий нормаларда белгилangan "анча миқдордаги зарар" ёки "бошқача оғир оқибатлар" деган ибораларни кўрсатишимиз мумкин.⁵

Шахсни божхона тўғрисидаги қонун хужжатларини бузганлик учун жавобгарликка тортиш Жиноят кодекси 182-моддаси 1-қисми бўйича, товар ва бошқа қимматликларни кўп миқдорда (базавий ҳисоблаш миқдорининг 300 бараваридан 500 бараваригача бўлган миқдор) Ўзбекистон Республикаси

⁵ Жиноят ҳуқуқи. Маҳсус қисм. Дарслик. ИИВ Академияси. Тошкент-2014.

божхона чегарасидан ноқонуний олиб ўтказганлиги сабабли, шундай ҳаракат учун маъмурий жазо қўлланилгандан сўнг, 2-қисми бўйича жуда кўп миқдорда (базавий ҳисоблаш миқдорининг 500 баравари ва ундан ортиқ бўлган миқдор) бўлса юзага келади.

Жиноят кодексининг тегишли моддасининг диспозициясида маъмурий преюдиция кўзда тутилган меъёрлар ижтимоий хавфи катта бўлмаган жинояtlар туркумига киради. Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жинояtlарга қасддан содир этилиб, қонунда уч йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жинояtlар, шунингдек, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, қонунда беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жинояtlар киради.

Маъмурий преюдиция - бу маъмурий жавобгарликка тортилган шахс бир йил давомида яна содир этган ҳукуқбузарлигини тақрорлашдан иборат ҳаракатdir. Ижтимоий хавфи катта бўлмаган айrim жинояtlар назарда тутилган моддалар санкция қисмида озодликдан маҳрум қилиш жазоси бўлмаслиги мумкин. Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жинояtlар акс этган моддаларнинг аксарида озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилмаган (фақатгина айrim ихтисослашган ёки ўта ихтисослашган жинояtlарда бу жазо қўлланилади). Ўзбекистон Республикаси 2001 йил 29 августдаги “Жиноят, Жиноят - процессуал ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Конуни билан Жиноят кодексига киритилган ўзгартишлардан олдин эса, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жинояtlарга қонунда озодликдан маҳрум қилишга нисбатан енгилроқ жазолар назарда тутилган жинояtlар киритилган эди.

Жиноят ҳукуқига тааллуқли бўлган жиноят таркиби элементларидан адабиётларда жиноий жавобгарликка тортиш учун содир этилган қилмишнинг мавжуд бўлиши ягона асос бўлади. Жиноий жавобгарликка тортиш учун асос шахс томонидан жиноят таркиби мавжуд бўлган ижтимоий

хавфли қилмиш содир этилган вақтдан бошлаб вужудга келади. Бироқ уни аниқ бир шахсга нисбатан тадбиқ этиш учун юридик хужжат – суднинг қонуний кучга кирган айблов хукми мавжуд бўлиши лозим. Суднинг хукми жиноий жавобгарликни қўллашнинг асоси ҳисобланади.⁶

Жиноят кодекси 5-моддасида фуқароларнинг қонун олдида тенглиги принципи белгиланган бўлиб, унга кўра: “Жиноят содир этган шахслар жинси, ирқи, миллати, тили дини ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар, бир хил ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиб, қонун олдида тенглиги белгиланган”. Бу асос ҳеч қандай шахс ҳолатини яхшиловчи ёки енгилаштирувчи ҳолат бўлиб ҳисобланмайди деган хулоса келиб чиқишига сабаб бўлади.

Жиноят кодексининг 8-моддасида:“Ҳеч ким айнан битта жиноят учун икки марта жавобгарликка тортилиши мумкин эмас”,-дейилган.

Битта қилмиш учун икки марта жиноий жавобгарликка тортмаслик фақат жиноий жавобгарликка хос хусусиятдир. Аммо битта жиноят учун жиноий жавобгарлик билан бир қаторда бошқа жавобгарлик чоралари ҳам қўлланиши мумкин. Масалан, жиноят туфайли етказилган моддий зарарни қоплаш (фуқаровий жавобгарлик), ишдан бўшатиш (интизомий жавобгарлик).

Назорат саволлари:

1. Жиноий жавобгарлик тушунчаси?
2. Жиноий жавобгарлик қандай белгиларга эга?
3. Жиноий жавобгарлик қандай шаклларда белгиланади?
4. Жиноий жавобгарликнинг фарқловчи хусусиятлари?
5. Жиноий жавобгарликнинг фактиқ ва юридик асоси?
6. Маъмурий преюдеция тушунчаси?

⁶ Жиноят ҳуқуқи. Махсус қисм. Дарслик. ИИВ Академияси. Тошкент-2014.

КАЗУСЛАР:

1. Фуқаро Ш. божхона постидан ўтишда қўл сумкасида яширилган ва божхона декларациясида кўрсатилмаган жами 10 млн. сўмлик Самсунг русумли 2 дона уяли алоқа воситаси (ҳар бири 5 млн. сўмдан) борлиги аниқланган.

- *К.нинг қўлмиии ижтимоий хавфли ҳисобланадими ва жиноий жавобгарликни вужсадга келтирадими ?*

2. Фуқаро Ч. яқин дўсти Ф.нинг илтимосига кўра бир неча қоп ва қутиларни уйида сақлаб турар, унинг ичида нима борлиги билан ҳатто қизиқиб ҳам кўрмасди. Бунинг эвазига у дўстидан тез-тез совғалар олиб турарди. Ф. қўлга олингач, у бу қоп ва қутиларда Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан ноқонуний олиб ўтилган жуда кўп миқдордаги товар моддий бойликларни сақлаб келганлиги маълум бўлди.

- *Фуқаролар Ч.ва Ф.ларнинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг ва жавобгарлик масаласини муҳокама қилинг.*

- *Мазкур ҳолатда жиноий жавобгарликка тортшининг юридик ва фактик асосларини аниқланг.*

1.2§. Божхона ҳақидаги қонун хужжатларини бузиш жинояти учун жиноий жавобгарликнинг ўзига хос хусусиятлари.

Божхона соҳасидаги ҳуқуқий муносабатлар божхона чегараси орқали товар ва транспорт воситалари ҳаракати жараёнида божхона қонун қоидалари нормалари билан тартибга солинган жараёнда иштирок этувчилар ўртасидаги тегишли ҳуқуқ ва мажбуриятлар акс эттирувчи ижтимоий муносабатлардир.

Ушбу муносабатлар нафақат Божхона Кодекси билан, балки “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги қонун, маъмурий, молиявий, фуқаровий,

жиноий ва яна бир қатор бошқа ҳуқуқ нормалари билан ҳам тартибга солинади.

Божхона иши соҳасида ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш ҳамда бу турдаги ишларни юритиш ва кўриб чиқиш билан боғлиқ маҳсус ижтимоий муносабатлар ҳам мавжуддир. Лекин улар Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси, Жиноят процессуал кодекси ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекслар билан тартибга солинади.

Божхонага оид қонунбузилиш ҳолатларида жиноий жавобгарлик жиноят ҳуқуқи нормалари билан қўриқланадиган ижтимоий муносабаларга жиддий зарар етказадиган ёки шундай зарар етказиши мумкин бўлган тажовуз қилингандагина вужудга келади. Шундай экан, жиноий жавобгарлик ўз навбатида қандайдир ҳуқуқий оқибатни вужудга келтиради. Жиноий жавобгарлик жиноят ҳуқуқий муносабатдир. Аммо жиноят ҳуқуқий муносабатнинг келиб чикиши учун бирон-бир юридик факт содир этилиши талаб қилинади ва бундай юридик факт жиноятнинг содир этилиши хисобланади.

Демак, божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик - дейилганда божхона ҳуқуқ нормалари асосида вужудга келадиган ҳуқуқбузарлик учун божхона ҳуқуқий муносабати субъекти (ҳуқуқбузар)га ҳуқуқ нормаларида кўзда тутилган санкциялар асосида давлатнинг мажбурлов чораларини қўллаши тушунилади.

Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жиноий жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 182-моддасида назарда тутилган.

Божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш:

Божхона назоратини четлаб ёки божхона назоратидан яшириб ёхуд божхона ҳужжатлари ёки воситаларига ўхшатиб ясалган ҳужжатлардан алдаш йўли билан фойдаланган ҳолда ёки декларациясиз ёхуд бошқа номга ёзилган декларациядан фойдаланиб, товар ёки бошқа қимматликларни кўп

миқдорда Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан ўтказиш, шундай ҳаракат учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса,—

базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваригача миқдорда **жарима** ёки тўрт юз саксон соатгача **мажбурий жамоат ишлари** ёки икки йилгача **ахлоқ тузатиш ишлари** ёки икки йилдан беш йилгача **озодликни чеклаш** ёхуд беш йилгача **озодликдан маҳрум қилиш** билан жазоланади.

Божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш:

а) жуда кўп миқдорда;

б) чегарани бузиб ўтиш, яъни божхона хизматининг розилигини олмасдан туриб, товар ёки бошқа қимматликларни Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан очиқдан-очиқ ўтказиш йўли билан;

в) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини қўзлаб;

г) хизмат лавозимидан фойдаланган ҳолда содир этилган бўлса,—

базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 182-моддаси (Божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш) билан жиноий жавобгарлик вужудга келиши учун ушбу моддада назарда тутилган **жиноят таркибининг барча аломатлари** мавжуд бўлган қилмишни содир этиш лозим.

Мазкур жиноят таркиби ўрганилганда унинг формал таркибли эканлиги яққол намоён бўлади. Яъни, жиноят тугалланган деб топилиши учун бирор оқибат юз бериши талаб этилмайди, фақат қонун нормасида қўрсатилган ижтимоий хавфли қилмишнинг содир этилиши жиноий жавобгарликни келтириб чиқаради.

Божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш жиноятининг **объекти** давлат ва жамиятнинг иқтисодий манфаатлари, Ўзбекистон Республикасининг иқтисодиёти асослари ва иқтисодий хавфсизлиги ҳисобланади.

Адабиётларда мазкур жиноятнинг **бевосита объекти** сифатида товар-моддий қимматликларни божхона чегараси орқали олиб ўтишнинг қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартиби кўрсатиб ўтилган.

Божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш жиноятининг **предметлари** ЖК 182-моддаси диспозициясига мувофиқ товар ёки бошқа қимматликлардир.

Келтириб ўтилганлардан хулоса қилиб қўйидагиларни жиноят предмети сифатида кўрсатиш мумкин:

- божхона чегарасидан ўтказилиши мумкин бўлган ҳар қандай мол-мулк;
- электр, иссиқлик энергиялари ва энергиянинг бошқа турлари;
- божхона чегарасидан товар сифатида олиб ўтилаётган транспорт воситалари (божхона чегарасидан товарларни ўтказишда ташиш воситаси сифатида фойдаланилган транспорт воситалари бундан мустасно);
- интеллектуал мулк обьектлари (фойдали моделлар, саноат намуналари);
- маданий бойликлар - моддий дунёнинг миллий, тарихий, бадиий, илмий-маърифий, маънавий-ахлоқий ва бошқа маданий аҳамиятга молик кўчар ашёлари;
- ўсимлик ва ҳайвонот дунёси обьектлари.

Жиноятнинг **объектив томони** фаол ҳаракатлар содир этилишидан иборатdir. Мазкур диспозицияда алоҳида содир этилганда ҳам жиноят деб топилиши мумкин бўлган бир нечта усулдаги ҳаракатлар кўрсатилган.

Кўриб чиқилаётган **жиноятнинг субъекти** 16 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс ҳисобланади.

Юқорида қайд этилганидек, ушбу **жиноят маҳсус субъектлар томонидан содир этилиши мумкин** бўлиб, уларга тегишли ваколатли мансабдор шахслар киради.⁷

⁷ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар. Тошкент. 2017 йил. 2- том.

ЖК 182-моддасида назарда тутилган **жиноят субъектив томондан** қасддан содир этилади.

Яъни шахс товар-моддий қимматликларни Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан ўтказишни истайди ва шунга қаратилган фаол ҳаракатларни содир этади.

Жиноятни квалификация қилишда мотив ва мақсаднинг аҳамияти йўқ. Шундай бўлсада, бу жиноят юзасидан терговга қадар текширув ва суриштирув ҳаракатлари ўтказилишида мотив ва мақсаднинг аниқланиши, жиноят содир этган шахсларнинг режаларини фош этиш ва натижада алоқадор шахсларни аниқлаш, улар томонидан янги жиноятлар содир этилишининг олдини олиш ва янги жиноятларни очиш имкониятларини беради.

Шу ўринда, божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш жинояти учун жавобгарликнинг айрим ўзига хос хусусиятларига тўхталиб ўтилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Жумладан, божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш жинояти объектив томонининг ўзига хос хусусиятлари ҳисобланган **қуйидаги ҳаракатлар содир этилса, ЖКнинг 182-моддаси 1-қисми билан жиноий жавобгарликни вужудга келтиради:**

- **божхона назоратини четлаб** товар ёки бошқа қимматликларни кўп миқдорда Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан ўтказиш, шундай ҳаракат учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса,

- **божхона назоратидан яшириб** товар ёки бошқа қимматликларни кўп миқдорда Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан ўтказиш, шундай ҳаракат учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса,

- **божхона ҳужжатлари ёки воситаларига ўхшатиб ясалган ҳужжатлардан алдаи йўли билан фойдаланган ҳолда** товар ёки бошқа қимматликларни кўп миқдорда Ўзбекистон Республикасининг божхона

чегарасидан ўтказиш, шундай ҳаракат учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса,

- товар ёки бошқа қимматликларни **декларациясиз** кўп миқдорда Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан ўтказиш, шундай ҳаракат учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса

- **бошқа номга ёзилган декларациядан фойдаланиб**, товар ёки бошқа қимматликларни кўп миқдорда Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан ўтказиш, шундай ҳаракат учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса,

базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваригача миқдорда **жарима** ёки тўрт юз саксон соатгача **мажбурий жамоат ишлари** ёки икки йилгача **ахлоқ тузатиш ишлари** ёки икки йилдан беш йилгача **озодликни чеклаш** ёхуд беш йилгача **озодликдан маҳрум қилиш** билан жазоланади.

Қуйидаги ҳаракатларни содир этиш 182-модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган жиноий жавобгарликни вужудга келтиради:

- божхона тўғрисидаги қонун хужжатларини бузиш **жуда кўп миқдорда** содир этилган бўлса,

- божхона тўғрисидаги қонун хужжатларини бузиш **чегарани бузиб ўтиши**, яъни божхона хизматининг розилигини олмасдан туриб, товар ёки бошқа қимматликларни Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан очиқдан-очиқ ўтказиш йўли билан содир этилган бўлса,

- божхона тўғрисидаги қонун хужжатларини бузиш **уюшган гурӯҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб** содир этилган бўлса,

- божхона тўғрисидаги қонун хужжатларини бузиш **хизмат лавозимидан фойдаланган ҳолда** содир этилган бўлса,

базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда **жарима** ёки уч йилгача **ахлоқ тузатиш ишлари** ёхуд беш йилдан саккиз йилгача **озодликдан маҳрум қилиш** билан жазоланади.

Кўриниб турганидек, божхона тўғрисидаги қонун хужжатларини бузиш жинояти юқорида кўрсатилган **9 та усулда** содир этилиши мумкин ҳамда

ушбу жиноий қилмишлар учун жами **5 та жиноий жазо турлари** қўлланилади.⁸

Жиноятнинг тамомланганлик вақтини тўғри аниқлаш жиноятни квалификация қилишда катта аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2013 йил 6 сентябрдаги "Божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш ва контрабандага оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги 18-сон қарори 10-бандига кўра, ЖК 182-моддасида назарда тутилган жиноятнинг тугалланиш пайти ҳар бир муайян иш бўйича товарларни қонунга хилоф равишда божхона чегарасидан ўтказиш усулидан (божхона назоратини четлаб ёки божхона назоратидан яшириб ёхуд божхона ҳужжатлари ёки воситаларига ўхшатиб ясалган ҳужжатлардан алдаш йўли билан фойдаланган ҳолда ёки декларациясиз ёхуд бошқа номга ёзилган декларациядан фойдаланиб) келиб чиқсан ҳолда аниқланиши керак.

Божхона назоратини четлаб ёки божхона назоратидан яширган ҳолда товарларни божхона чегарасидан ўтказиш жинояти товарлар билан божхона чегарасини амалда кесиб ўтган пайтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади.

Божхона ҳужжатлари ёки воситаларига ўхшатиб ясалган ҳужжатлардан алдаш йўли билан ёки декларациясиз ёхуд бошқа номга ёзилган декларациядан фойдаланган ҳолда товарларни божхона чегарасидан ўтказиш жинояти божхона органлари томонидан тегишли ҳужжатлар рўйхатга олинган пайтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади (БК 264-моддаси).

Божхона органи томонидан божхона декларациясини текшириш, товарларни кўздан кечириш ва божхона декларациясида кўрсатилган маълумотлар нотўғрилиги аниқлангунга қадар божхона декларациясида йўл қўйилган хатоларнинг декларант томонидан мустақил тузатилиши (БК 265-266-моддалари) маъмурий ва жиноий жавобгарликни истисно этади.

⁸ А.Ачилов, Ҳ.Исмоилов. "Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик масалалари". Ўқув-услубий қўлланма. – Тошкент, 2016.

ЖК 182-моддаси 1-қисми диспозицияси юқорида кўрсатилган ҳаракатларни ҳамда жиноят предмети қийматининг кўп миқдорда бўлишини назарда тутгани ҳолда **маъмурий преюдицияни** ҳам талаб қиласи.

Қонун божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш учун жавобгарлик турини божхона чегарасидан қонунга хилоф равишда ўтказилаётган товар ёки бошқа қимматликлар миқдори билан боғлаган бўлиб, бу миқдор уларнинг ҳукуқбузарлик содир этилган кундаги қийматидан келиб чиқкан ҳолда аниқланади.

Товар ёки бошқа қимматликларни қонунга хилоф равишда божхона чегарасидан кўп миқдоргача ўтказганлик учун ҳар доим, шахс айнан шундай ҳукуқбузарлик учун бир йил давомида бир неча марта маъмурий жавобгарликка тортилганлигидан қатъий назар, маъмурий жавобгарлик келиб чиқади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 182-моддасининг биринчи қисми бўйича жиноий жавобгарлик товар ва транспорт воситаларини кўп миқдорда қонунга хилоф равишда божхона чегарасидан ўтказганлик учун маъмурий жавобгарликка тортилган (Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 227²¹-моддаси, 227²²- моддасининг биринчи қисми) шахс маъмурий жазо қўлланилганидан сўнг бир йил давомида яна айнан шундай ҳукуқбузарликни кўп миқдорда содир этган ҳолдагина келиб чиқади.

ЖК 182-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган квалификация белгилари мавжуд бўлганда, жиноий жавобгарлик шахс товар ёки бошқа қимматликларни қонунга хилоф равишда божхона чегарасидан ўтказганлик учун илгари маъмурий жавобгарликка тортилган-тортилмаганлигидан қатъий назар, келиб чиқади. Бунда ЖК 182-моддаси иккинчи қисмининг «б», «в» ва «г» бандлари бўйича жиноий жавобгарлик факат божхона тўғрисидаги қонунчилик кўп миқдорда бузилган ҳолдагина келиб чиқади.

Товарларни ўз хизмат лавозимиidan фойдаланган ҳолда қонунга хилоф равишда божхона чегарасидан ўтказган мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари

ЖК 182-моддаси иккинчи қисмининг «г» банди бўйича квалификация қилинади ва Жиноят кодексининг ҳокимият ёки мансаб ваколатини суистеъмол қилиш (ЖК 192¹¹, 205-моддалари) ёхуд ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш (ЖК 206-моддаси) жинояtlари учун жавобгарликни назарда тутувчи моддалари билан қўшимча квалификация қилишни талаб этмайди.

Товарларни қонунга хилоф равища божхона чегарасидан ўтказиша ўз хизмат лавозимидан фойдаланган мансабдор шахс (жиноят ташкилотчиси, далолатчиси, ёрдамчисининг) ЖК 28-моддаси ва ЖК 182-моддаси иккинчи қисмининг "г" банди бўйича жавобгарликка тортилади.

Агар шахс божхона тўғрисидаги қонун хужжатларини бузиш билан бир қаторда қонунга хилоф равища чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш жиноятини содир этса, унинг ҳаракатлари ЖК 182 ва 223-моддаларида назарда тутилган жинояtlар мажмуи билан квалификация қилиниши лозим.

Хужжатнинг қалбаки эканлигини била туриб, уни божхона органларига хақиқий хужжат сифатида тақдим этган шахс ҳаракатлари ЖК 182-моддаси билан квалификация қилинади ва қўшимча равища 228-моддаси билан квалификация қилишни талаб қилмайди.

Агар божхона чегарасини бузиб ўтиш пайтида айбор томонидан шахс баданига қасдан оғир шикаст етказилган ёки у қасдан ўлдирилган бўлса, қилмиш ЖК 182-моддаси иккинчи қисмининг «б» банди ва тегишлича ЖК 97 ёки 104-моддаларида назарда тутилган жинояtlар мажмуи бўйича квалификация қилиниши лозим. Бундай ҳолатларда қасдан баданга енгил ёки ўртача оғирлиқдаги тан жароҳати, шунингдек мулкий зиён етказилиши ЖК 182-моддаси иккинчи қисми диспозицияси билан қамраб олинади ва тегишлича ЖК 105, 109 ва 173-моддалари билан қўшимча квалификация қилинишини талаб этмайди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, товарлар ва бошқа қимматликларни божхона чегарасидан ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси қонун

хужжатлари билан қатъий белгиланган. Белгиланган тартибни бузган ҳолда товарлар ва бошқа қимматликларни божхона чегарасидан ҳар қандай тарзда ўтказиш қонунга хилоф ҳисобланади ва божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун маъмурий ёки жиноий жавобгарликка сабаб бўлади.

Назорат саволлари:

1. Божхона ҳақидаги қонун хужжатларини бузганлик учун жавобгарлик тушунчаси.
2. Божхона ҳақидаги қонун хужжатларини бузиш жиноягининг таркиби.
3. Божхона ҳақидаги қонун хужжатларини бузиш жинояти қандай усулларда содир этилади?
4. Божхона ҳақидаги қонун хужжатларини бузиш жинояти бўйича жавобгарликка тортиш учун товар миқдори ва маъмурий преюдициянинг аҳамияти.
5. Божхона ҳақидаги қонун хужжатларини бузиш жинояти учун жиноий жавобгарликнинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?

КАЗУСЛАР:

1. Қирғизистон фуқаролари У. автомобилларни ўғирлашда, Д. эса бу ўғирланган автомобилларни қисмларга ажратиб, сотишга келишиб олдилар. У. Ўзбекистон худудида тўртта енгил автомобил ўғирлади ва божхона назоратини четлаб, Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан ўтказди, Д. уларни қисмларга ажратиб, Қирғизистон ва Қозоғистон худудида сотди. Терговчи У.нинг ҳаракатини Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 169-моддаси “а” банди билан, Д.нинг ҳаракатини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 27-моддаси ва 169-модданинг “а” банди билан квалификация қилди.

- Қирғизистон фуқаролари У. ва Д.ларнинг қиммийлари жиноий жавобгарликка тортиши учун асос бўладими, уларнинг ҳаракатлари тўғри квалификацияланганми?

- автомобилларни эгаларига етказилган зиён учун қандай жавобгарлик белгиланади?

2. Фуқаро И. уюшган гурух аъзоси сифатида жуда кўп миқдордаги товарларни божхона органига қалбаки хужжатлар тақдим этиш орқали қонунга хилоф равища Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан ўтказмоқчи бўлганида божхона ходимлари томонидан ушлаб қолинган.

- Мазкур ҳолатда И.нинг қилмишини квалификация қилинг.

1.3§. Хорижий давлатлар қонунчилигига назарда тутилган жиноий жазолар.

Хозирги вақтда халқаро жиноят хуқуқининг ривожланиш тенденциялари халқаро хуқуқ ва давлатларнинг ички (миллий) хуқуки тизимларининг яқинлашувига олиб келмоқда. Чунки, терроризм, қурол-яроғ савдоси, одам савдоси, гиёхвандлик воситалари билан қонунга хилоф равища муомала қилиш ва бошқа бир қатор жиноятлар аллақачон бир давлатнинг чегарасидан четга чиқиб, минтақавий ва айтиш мумкинки, дунёвий глобал муаммога айланмоқда. Шундай экан, бу турдаги жиноятларга қарши курашиш албатта бошқа давлатлар билан ҳамкорликда амалга оширилишини талаб этади.

Бундай ҳамкорликнинг устувор хуқуқий асосларидан бири бўлиб, давлатларнинг миллий жиноят хуқуки ҳисобланади. Давлатларнинг миллий жиноят хуқуки эса ўзида бевосита ўша давлат хуқуқий тизимининг ўзига хос жиҳатларини акс эттиради.

Хозирги замон чет эл жиноят хуқуқининг хусусиятларидан бири бу жиноят кодексларнинг тегишли қисмлари билан чегараланмаганлиги ҳисобланади (АҚШ, Франция, Германия). Айрим ҳолларда ижтимоий хавфли қилмишлар учун жиноий жавобгарлик мустақил ҳолда амал қиласиган, ўз ичига моддий нормалар ҳамда процессуал нормаларни қамраб оладиган

максус қонунлар билан ҳам ўрнатилади. Бу ҳолатларда моддий ҳукуқ нормалари жиноят ҳуқуқининг ҳам Умумий ҳамда Махсус қисмларига тегишли бўлади.

Қуйида биз айрим давлатларда жиноий жавобгарликнинг ўзига хос хусусиятларига тўхталиб ўтамиш.

Англия жиноят ҳуқуқининг ўзига хослиги жиноят ва жиноий қилмишнинг қонуний таърифи йўқлиги ҳисобланади. Инглиз жиноят ҳуқуки фанида жиноий қилмишнинг иккита белгиси (элементи) тавсифланади: «*actus reus*» — моддий ёки объектив томон; «*mens rea*» (онгнинг айбли ҳолати) — муайян зарар етказган қилмишнинг субъектив томони.

Англия жиноят ҳуқуқида жиноятларнинг тавсифланиши. 1967 йилда инглиз қонуншунослари Англия жиноят ҳуқуки учун анъанавий бўлган, жиноятларни *фелония* (ўлим жазоси қўлланилиши мумкин бўлган оғир жиноятлар) ва *мисдиминора* (унча оғир бўлмаган жиноятлар)га бўлишдан воз кечди. Жиноятларнинг янги тавсифи уларнинг «қамоқли» ва «қамоқсиз»га бўлинишини назарда тутади. «Қамоқли» жиноятларга беш йилдан ортиқ бўлган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган жиноятлар киритилади. «Қамоқсиз» жиноятларга нисбатан оғир бўлмаган жазо назарда тутилган жиноятлар киритилади.

Ҳукуқ назариясида барча жиноятлар уч гурӯҳга бўлинади: *оммавий хусусиятга эга бўлган жиноятлар, шахсга қарши жиноятлар, мулкка қарши жиноятлар.*

Жазо. Инглиз жиноят ҳуқуқида «жазо» тушунчаси ва мақсади ҳақидаги норма мавжуд эмас. Жазолар асосий ва қўшимча жазоларга бўлинмайди. Жазо тизими ўзига асосий жазо сифатида озодликдан маҳрум қилиш, пробация (синов) ва жаримани олади. Ёрдамчи жазолар эса мусодара қилиш, автомобил ҳайдаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш, жамоат манфаатлари учун 40 соатдан 240 соатгача муайян фаолият билан шуғулланиш ва ишлар бажариш. Жарима, мустақил жазо сифатида озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан

биргаликда тайинланиши ҳам мумкин. Жариманинг миқдори қонун билан чегараланмаган.

Англия жиноят ҳуқуқи ноқонуний қилмишни содир этган шахс унинг ҳар қандай оқибати учун, ҳатто у оқибатни олдиндан кўра билмаган ва кўра билиши мумкин ҳам бўлмаган тақдирда ҳам, жавоб бериши лозимлигидан келиб чикади.

АҚШ жиноят ҳуқуқи фанида «жиноят» тушунчасини белгилаб берувчи қўплаб назариялар мавжуд бўлиб, уларга кўра, «жиноят — бу жиноят ҳуқуқи нормаларини бузувчи ва давлат томонидан жазоланадиган, жавобгарликдан ёки жазодан озод қилувчи ҳолатлар мавжуд бўлмаган ҳолда била туриб содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизликдир».

Шундай экан, жиноий қилмиш белгилари қилмишнинг ноқонунийлиги ва жазога сазоворлиги ҳисобланади. Бу ерда ноқонунийлик, нафақат Жиноят кодексида назарда тутилган нормаларнинг бузилишини, балки амалдаги қонунчиликнинг ҳар қандай нормаларнинг бузилишини ҳам англатади, жазога сазоворлик эса, жазо қўллаш таҳдиidi эмас, балки суд томонидан суд қилиш натижасидир.

АҚШ жиноят ҳуқуқида «жиноят таркиби» деган тушунча мавжуд эмас. Инглиз жиноят ҳуқуқининг жиноят элементлари тушунчаси анъанавий тарзда олинган. Булар: 1) «actus reus» — моддий тузилиш, қилмишнинг оқибати ёки «объектив томони»; 2) «vens gea» — руҳий тузилиш ёки айб.

Жиноий қилмиш турлари. Жиноий қилмиш жиноят қонунчилигидаги қоидалардан келиб чиқсан ҳолда фелония, мисдиминора, қоида бузиш ва йўл қоидаларини бузиш каби турларга тавсифланади.

Фелония — бу бир йилдан кўп бўлган муддатга турмага қамаш тарзидаги жазо қўлланилиши мумкин бўлган жиноятлар.

Мисдиминора — бу 15 кундан бир йилгача муддатга турмага қамаш тарзидаги жазо қўлланилиши мумкин бўлган жиноятлар.

Қоида бузиш — бу 15 кундан кўп бўлмаган муддатга турмага қамаш тарзидаги жазо қўлланилиши мумкин бўлган жиноятлар.

Йўл қоидаларини бузиш — Йўл-транспорт қонунида кўрсатилган йўл ҳаракати қоидаларини ҳар қандай тарзда бузиш.

Барча штатларда фелония ва мисдиминоранинг озодликдан маҳрум қилишнинг энг кам ва энг кўп муддатларидан келиб чиқсан ҳолда даражаларга (А, В, С, Д, Е) тоифалаш белгиланган. Масалан, Нью-Йорк штатининг Жиноят кодексида, Намунавий Жиноят кодексида, АҚШ қонунлар тўпламининг 18-бўлими 3559-параграфида: *A* тоифа фелония — ўлим жазоси ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси, *B* — 25 ва ундан ортиқ йилга, *C* — 10-25 йил, *D* — 5-10 йил, *E* — 1-5 йилга озодликдан маҳрум қилиш; *A* тоифа мисдиминора — 6-12 ой, *B* — 30 қундан 6 ойгача, *C* — 5-15 кун озодликдан маҳрум қилиш; қоидабузарлик — 5 кунгача озодликдан маҳрум қилиш ва бошқа жазолар.

Жиноий қилмии субъекти. АҚШ жиноят хуқуқига кўра, жиноий қилмиш субъекти ҳам жисмоний, ҳам юридик шахслар бўлиши мумкин.

Кўпчилик штатларнинг Жиноят кодексида жиноий жавобгарликнинг аниқ ёши кўрсатилган: Намунавий Жиноят кодекси — 16 ёш, Миннесота — 14 ёш, Колорадо ва Луизиана — 10 ёш, Джорджия ва Иллинойс — 13 ёш, Нью -Гемпшир ва Техас — 15 ёш, Нью -Йорк — 16 ёш.

Жазонинг асосий турлари: ўлим жазоси, турмага қамаш, пробация (синов), жарима, уй қамоғи.

Кўшиимча жазо турларига мол-мулкни мусодара қилиш, жамоат ишлари, реституция (суд буйруғи асосида жабрланувчига мулкни қайтариш).

Франция жиноят қонунчилигида жиноий қилмишнинг умумий таърифи мавжуд эмас. Жиноят кодексининг 111-2-моддасида қонун жиноят ва қоидабузарликларни аниқлаб беради ва уларни содир этган шахсларга қўлланилиши лозим бўлган жазоларни белгилайди деб кўрсатилган.

Жиноят кодексининг Умумий қисмида қонун чиқарувчи жиноий қилмишнинг белгилари сифатида қўйидагиларни мустаҳкамлайди:

давлатга, жамиятга, шахсга етказилган заарнинг оғирлиги (111-1-модда);

қонунга хилофлик (111-2, 111-3-модда);
жазога сазоворлик (111-2, 111-3-модда);
қилмишнинг қасддан ёки эҳтиёtsизлик орқасидан содир этилганлиги (121-3-модда).

Жазо. Жиноят содир этган жисмоний шахсларга қуидаги жиноий жазолар қўлланилади:

умрбод жазо ёки сургун;
10 йилдан 30 йилгача қамоқ ёки сургун;
1 млн. евродан юқори миқдордаги жарима.

Ахлоқ тузатишга оид жазолар:

10 йилгача турмага қамаш;

1 млн. евроГача миқдордаги жарима;

жарима; кунлар шаклидаги жарима (жаримани кунларга бўлиб-бўлиб тўлаш). Ҳар бир жарима кунлар судланувчининг даромадини инобатга олган ҳолда белгиланади ва 2000 евродан ошмаслиги керак. Жарима кунларнинг сони ишнинг ҳолатини инобатга олган ҳолда аниқланади ва 360 кундан ошмаслиги керак;

жамоат манфаатлари йўлидаги ҳақ тўланмайдиган ишлар (40 соатдан 240 соатгача).

Германия ҳуқуқшунослик фанида ва қонунчиликда «қилмиш таркиби» атамаси жиноий ҳуқуққа хилоф, жазога сазовор, айбли ҳаракат ёки ҳаракатсизлик сифатида ишлатилади. Немис ҳуқуқида жиноят таркиби тушунчаси мавжуд эмас. Содир этганлик учун энг кам жазо сифатида бир йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо назарда тутилган ҳуқуққа хилоф қилмишлар жиноят ҳисобланади.

Содир этганлик учун бир йилдан кам бўлган муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки жарима жазоси назарда тутилган ҳуқуққа хилоф қилмишлар ҳуқуқбузарлик ҳисобланади.

Жазо. Германия Жиноят кодексида жазо тушунчаси ва унинг мақсадига тушунча берилмаган.

Асосий жазоларга:

муайян муддатга (1 ойдан 15 йилгача) ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш;

вояга етмаганларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазоси, агар тарбиявий хусусиятга эга бўлган чоралар етарли бўлмаса ёки у томонидан оғир жиноят содир этилса қўлланилади;

жарима пуллик ва мулкий шаклларда белгиланади. Пуллик жарима кунлик ставкаларда (5 кундан 360 кунгача ставкаларда) тайинланади. Кунлик ставка миқдори шахснинг моддий аҳволини ҳисобга олган ҳолда аниқланади. Мулкий жарима жиноятчи шахс мулкининг умумий баҳосидан ошмайдиган муайян суммани ташкил этади ва бу суммани суднинг ҳукмига кўра тўлаши шарт бўлади.

Кўшимча жазолар:

транспорт воситасини бошқаришни таъқиқлаш (44-§.);

жиноий йўл билан қўлга киритилган фойдани мусодара қилиш (73-§.), шунингдек, жиноят қуроли ва воситасини мусодара қилиш (295-§.), мулкий жарима (айрим ҳолларда).

Италия жиноят қонунчилигига ҳам жиноят тушунчаси белгиланмаган. Жиноят кодексининг 39-моддасида «жиноий ҳуқуқбузарликлар, мазкур кодексга мувофиқ уларни содир этганлик учун тайинланадиган жазо туридан келиб чиқиб жиноят ва ҳуқуқбузарликларга бўлинади» деб белгилаб қўйилган. *Жиноятларга уни содир этганлик учун умрбод озодликдан маҳрум қилиш ва 10 мингдан 10 млн. еврогача миқдорда жарима жазоси тайинланиши мумкин бўлган қилмишлар киритилади. Ҳуқуқбузарликларга уни содир этганлик учун қамоқ ёки 4 мингдан 2 млн. еврогача миқдорда жарима жазоси тайинланиши мумкин бўлган қилмишлар киради.*

Жазо тизими ва турлари. Асосий жазоларга: умрбод озодликдан маҳрум қилиш; 15 кундан 24 йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш; 10 мингдан 2 млн. еврогача бўлган миқдордаги жарима; 5 кундан 3 йилгача қамоқ; давлат фойдасига ундирилувчи пуллик жазо.

Кўшиимча жазолар: давлат аппаратидаги лавозимларни эгаллашни муддатли ва муддатсиз таъқиқлаш; 1 ойдан 5 ойгача муайян касб ёки хунар билан шуғуланишни таъқиқлаш; умрбод озодликдан маҳрум қилинган шахсларга нисбатан қўлланиладиган асосий сиёсий ва шахсий ҳуқуқларини йўқолишига олиб келувчи ҳуқуқий чекловлар. Шу жумладан, ота-оналик ҳуқуқи; 5 йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум этилган маҳкумларга жазони ўташ вақти давомида амал қиласидиган ҳуқуқий таъкик; муайян муддатларда юридик шахс ҳисобланган ташкилотлар, корхоналарда раҳбарлик лавозимларини эгаллашни таъқиқлаш, шунингдек давлат аппарати билан келишувлар тузиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш; ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ва уни тўхтатиш; муайян касб ва хунар билан шуғуланишни вақтинча таъқиқлаш; судланганлик ҳақидаги ҳукмни халққа ошкор қилиш.⁹

Ҳозирги кундаги мамлакатларнинг ривожланиш босқичлари, халқаро муносабатларни кенгайиши, интеграцион жараёнларни тезлашиши, божхона тартиб-таомилларини соддалаштирилиши давлатлараро товар айирбошлишнинг ошишига сабаб бўлмоқда. Бу эса ўз навбатида товарларнинг давлатлараро қонуний ҳаракатланишида ҳам муаммоларни келтириб чиқаришига сабаб бўлиши мумкин.

Ҳорижий мутахассислар, жумладан АҚШ олимлари иқтисодий жиноятлар деганда, одатда божхона ва солиққа оид жиноятлар ҳамда тадбиркорлик соҳасидаги фирибгарлик жиноятларини киритишади.¹⁰

Бунда иқтисодий жиноятлар деб жиноят қонунчилигига таъқиқланган, жамиятнинг иқтисодий хавфсизлигига таҳдид солувчи ижтимоий хавфли қилмишлар тушунилади. (АҚШ Федерал Жиноят қонунчилигининг 15,18,26 бўлимлари).

Божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик масалалари, шунингдек қўлланиладиган жазо чоралари Европа ҳамда МДХ давлатларининг қонунчилигига ҳар хил ифодаланган.

⁹Жиноят ҳуқуқи. Махсус қисм. Дарслик. ИИВ Академияси-2014, 810-817-б.

¹⁰ См.: Волженкин Б.В. Экономические преступления. СПб., 1999. С. 247.

Европа иттифоқида товарларнинг эркин ҳаракатланиши учун умумий бозор мавжуд бўлиб, товарларнинг ноқонуний айланиши билан боғлиқ қилмишини содир этган шахсларга жиноят қонунчилигидан ташқари божхона низомлари ва солиқ қоидалари билан ҳам тартибга солинади. Айрим Европа давлатлари масалан, Бельгия, Норвегия, Австрия давлатларининг жиноят қонунчилигига товарларни ноқонуний олиб кириш ва олиб чиқканлик учун умуман жавобгарлик назарда тутилмаган.¹¹

МДХ давлатларининг жиноят қонунчилигига назар соладиган бўлсақ, кўпгина ўхшашликлани кўришимиз мумкин. Масалан,

Озарбайжон Республикаси Жиноят кодексининг 206-моддасида (Контрабанда) божхона чегараси орқали кўп миқдорда товар ёки бошқа предметларни ўтказганлик учун беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш белгиланган.¹²

Арманистон Республикаси Жиноят кодексининг 215-моддаси (Контрабанда) биринчи қисмига кўра, ушбу давлат божхона чегараси орқали товарлар, маданий ёки бошқа қимматликларни кўп миқдорда ўтказиш-

энг кам ойлик иш ҳақининг беш юз баробаридан минг баробаригача жарима ёки беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш;

учинчи қисмига кўра (*мансадбор шахс томонидан ўз хизмат лавозимидан фойдаланган ҳолда ва божхона назоратини амалга ошираётган шахсга зўрлик ишлатиб содир этилса*), -

мол-мулк мусодара этилиб ёки этилмай, олти йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш;

тўртинчи қисмига кўра(*уюшган гурӯҳ томонидан*), -

мол-мулк мусодара этилиб ёки этилмай, саккиз йилдан ўн икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Бунда кўп миқдор деганда, божхона чегарасидан ноқонуний ўтказилаётган товар ёки предметларнинг

¹¹ .<https://cyberleninka.ru/article/v/sravnitelnaya-harakteristika-nakazaniy-za-kontrabandu-v-rossii-i-nekotorykh-zarubezhnyh-stranah>.

¹² УК Азербайжанской Республики. Ст.206.

баҳоси энг кам ойлик иш ҳақининг икки минг баробари миқдорида бўлиши лозим.¹³

Беларусь Республикаси Жиноят кодексининг 228-моддаси
(Контрабанда) биринчи қисмига кўра, ушбу давлат божхона чегараси орқали товарлар ва қимматликларни кўп миқдорда ўтказиш-

жарима (миқдори кўрсатилмаган), беш йилгача озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш;

учинчи қисмига кўра (*бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, илгари айнан ушбу жиноят учун судланган шахс томонидан, мансабдор шахс томонидан хизмат лавозимимдан фойдаланган ҳолда, божхона назоратини амалга ошираётган шахсга зўрлик ишилатиб содир этилса*), -

мол-мулк мусодара этилиб ёки этилмай, беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш;

тўртинчи қисмига кўра (*уюшган гуруҳ томонидан*), -

мол-мулк мусодара этилиб, етти йилдан ўн икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Бунда кўп миқдор деганда, божхона чегарасидан ноқонуний ўтказилаётган товар ёки предметларнинг баҳоси энг кам ойлик иш ҳақининг икки минг баробари миқдорида бўлиши белгиланган.¹⁴

Россия Федерацияси қонунчилигида товарларни контрабандаси бўйича маъмурий жавобгарлик (РФ Маъмурий жавобгарлик кодексининг 16¹-16²⁴) белгиланган бўлиб, Жиноят кодексида айrim стратегик товарлар учун жавобгарлик белгиланган. Хусусан, РФ ЖКнинг **200¹-моддаси (Накд пул воситалари контрабандаси)** биринчи қисмидаги қилмишни кўп миқдорда содир этиш-

¹³УК Республики Армении. Ст.215.

¹⁴УК Республики Беларусь. Ст.228.

олиб ўтилган пул миқдорининг ёки ойлик иш ҳақининг уч бараваридан ўн бараваригача жарима ёхуд икки йилгача озодликни чеклаш ёки икки йилгача мажбурий ишларга жалб этиш билан жазоланади.

иккинчи қисмига кўра (*жуда кўп миқдорда ва бир гурӯҳ шахслар томонидан*) олиб ўтилган пул миқдорининг ёки ойлик иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача жарима ёхуд тўрт йилгача озодликни чеклаш ёки тўрт йилгача мажбурий ишларга жалб этиш билан жазоланади.¹⁵

Агар шахс ўз ихтиёри билан пул воситаларини топширса у жиноий жавобгарлиқдан озод қилинади. Бундан пул воситалари божхона назорати шакллари ёки тергов харакатлари натижасида аниқланган ҳолатлар мустасно.

Шунингдек, Алкаголь ва тамаки маҳсулотлари контрабандаси деб номланган ЖКнинг 200²-моддаси биринчи қисмидаги қилмишни кўп миқдорда содир этиш-

уч юз минг рублдан бир миллион рублгача жарима ёки беш йилгача мажбурий ишлар ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

иккинчи қисмига кўра (*бир гурӯҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, мансабдор шахс томонидан ўз хизмат вазифаларидан фойдаланган ҳолда*)

бир миллион рублгача миқдорда жарима қўллаб, уч йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади

учинчи қисмига кўра (*уюшган гурӯҳ томонидан содир этилса*)

икки миллион рублгача миқдорда жарима қўллаб, етти йилдан ўн икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу моддадаги қилмишни содир этган деб топиш учун алкаголь ва тамаки маҳсулотларининг нархи икки юз эллик минг рублдан ошиши керак.¹⁶

¹⁵УК РФ. Ст.200/1.

¹⁶УК РФ. Ст.200/2.

Тожикистон Республикаси Жиноят кодексининг 289-моддаси
(Контрабанда) божхона чегараси орқали товар ёки бошқа предметларни кўп миқдорда ўтказганлик учун модданинг биринчи қисмида-

беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш;

иккинчи қисмига кўра (*стратегик хом ашёлар ва бадиий, тарихий, археологик ҳамда бошқа маданий бойликларни божхона чегарасидан олиб ўтиши*), мол-мулк мусодара этилиб ёки этилмай, саккиз йилдан ўн икки йилгачаозодликдан маҳрум қилиш;

учинчи қисмига кўра (*такроран, мансабдор шахс томонидан ўз хизмат вазифаларидан фойдаланган ҳолда, божхона назоратини амалга ошираётган шахсга зўрлик ишилатиб, божхона чегарасини бузиб ўтиши йўли билан содир этилса*), беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум этилган ҳолда, мол-мулк мусодара этилиб ёки этилмай, ўн йилдан ўн беш йилгачаозодликдан маҳрум қилиш;

тўртинчи қисмига кўра (*уюшган гурӯҳ томонидан содир этилса*), беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум этилган ҳолда, мол-мулк мусодара этилиб, ўн беш йилдан йигирма йилгачаозодликдан маҳрум қилиш жазоси билан жазоланади. Бунда кўп миқдор деганда, божхона чегарасидан ноқонуний ўтказилаётган товар ёки бошқа предметларнинг баҳоси энг кам ойлик иш хақининг минг баробари миқдорида бўлиши белгиланган.¹⁷

Юқоридагилардан кўришимиз мумкинки, кўпгина МДҲ давлатларининг жиноят қонунчилигига товар ва бошқа предметлар контрабандаси учун жавобгарлик белгиланган бўлиб, бу ўз навбатида ўша давлатларнинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш заруриятидан келиб чиқади.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигидаги божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш жинояти учун жавобгарлик масалаларини тахлил қилишда замонавий халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажрибани ўрганиш замон

¹⁷УК Республики Таджикистан. Ст.289.

талабларига мос бўлган божхона органи ходимларини тайёрлашда муҳим аҳамият касб этади.

Назорат саволлари:

1. АҚШ ва Европа давлатларида жиноят тушунчаси ва жазо тизими?
2. Ҳорижий давлатларнинг божхона билан боғлиқ жиноятлар учун жазо чораларидаги “микдор” тушунчаси ва ўзига хос хусусиятларига изоҳ беринг.
3. Айрим ҳорижий давлатларнинг жиноят қонунчилигига божхона билан боғлиқ жиноятлар учун жазо белгилашда мусодара сўзи учрайди. Бу товар билан боғлиқми ёки шахсий мол-мулк биланми?
4. Чет мамлакатларда божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузиш жиноятини содир этиш учун жазоларни белгилашда, нималарга эътибор берилади, жавобгарликни енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлари мавжудми?
5. Божхона билан боғлиқ жиноятлар учун оғир жазо турлари қайси давлат жиноят қонунида белгиланган?

КАЗУСЛАР:

1. 2018 йилнинг 10 августида Душанбе шаҳри аэропортида Т. тўққиз юз саксон гр. тилла тақинчоқлар билан ушланди. Тергов вақтида маълум бўлишича, Т. бу тилла тақинчоқларни Қирғизистондан Озарбайжонга олиб кетаётган экан. Терговчи Т.нинг ҳаракатини Тожикистон ЖКнинг 289-моддаси 2-қисми билан квалификация қилди.

- *Т.ни Тожикистон Республикаси ЖК билан жиноий жавобгарликка тортимиши қонунга асосланганми?*

2. Чет эл фуқароси Б. ўзини икки нафар таниши билан йигирма беш дона Финландияда ишлаб чиқарилган музлатгичларни яширин равишда Россия федерациясининг божхона чегарасини айланма йўллар орқали четлаб олиб ўтиб, олди-сотди билан шуғулланувчи М, Н. ва Р.ларга ҳар бир

мұзлатгични 1100 АҚШ долларига қалбакилаштирилған хужжатлар асосида сотаётганларида РФ ҳудудида құлға олинди.

- *Мазкур қилмииш учун РФ қонунчилеги бүйіча жавобгарлық белгіланғанми?*

П-БОБ. ЖИНОИЙ ЖАЗО ЧОРАЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ

2.1§.Жиноий жазоларни қўллаш асослари ва тизими.

Жиноий жазо чоралари жиноятчиликка қарши курашда, жамиятни жиноий тажовузлардан химоя қилиш воситаси бўлиб хизмат қилади. Жиноий жазо Жиноят кодекси Махсус қисми нормасида жавобгарлик белгиланган, содир этилган жиноятнинг ҳукуққа хилофлилик белгисидир. Жиноят ва жазо тушунчаларининг ўзаро боғлиқлиги содир этилган жиноятга нисбатан қўлланиладиган қонунийлик ва айб учун жавобгарлик принципларида ифодаланади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 42-моддасида жазога қўйидагича таъриф берилган:

Жазо-бу жиноят содир этишда айбли деб топилган шахсга нисбатан давлат номонидан суд ҳукми асосида қўлланиладиган ва маҳкумни қонунда назарда тутилган муайян ҳукуқ ва эркинликлардан маҳрум қилиш ёки уларни чеклашдан иборат мажбурлов чорасидир.¹⁸

Жиноят қонунини қўллашда: жиноий жавобгарлик нимага асосланади ва нима учун жазо тайинланади ҳамда белгиланадиган жазо чорасининг миқдори нимага боғлиқ ва айбдор қандай жазоланиши керак, деган саволларга жавоб топиш мухимdir.

Давлат номидан қўлланиладиган мажбурлов чораси турлича бўлиб, жиноий жазо бу мажбурловнинг алоҳида шакли ҳисобланади.

Жиноий жазо бошқа мажбурлов чораларидан қўйидаги ўзига хос хусусиятлари билан фарқ қилади:

1) Жиноий жазо жиноят қонунида қатъий белгиланган бўлади.

Жиноят кодексида судлар учун қатъий бўлган жазо чоралари белгиланган бўлиб, судлар жазо тайинлашда ЖК Махсус қисм нормаси санкциясида

¹⁸ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шархлар. Тошкент. 2017 йил. 1- том.

кўрсатилган доирада жазо тайинлайдилар. Суд жиноят содир этишда айбдор, деб топилган шахсга қонунда белгиланган жазонигина тайинлайди, бошқа жазоларни давлат номидан қўлланиши ёки жиноят қонуни санкцияларидан четга чиқилишига йўл қўйилмайди. Давлат мажбурловининг алоҳида шакли бўлган жазо жиноят қонунида назарда тутилган жиноятни содир қилган шахсга нисбатан қўлланилади.

2) *Жиноий жазо фақат суд томонидан тайинланади*. Бу коида Жиноят кодексининг 42-моддасида ҳам мустаҳкамлаб қўйилган. Жиноят кодекси 69-75-моддаларида белгиланган асосларга кўра жазодан озод қилиш, жазони енгилроғи билан алмаштирилиши ҳам фақат суд томонидан амалга оширилиши мумкин. Амнистия акти асосида ёки авф этиш орқали жазодан озод қилишда, бу актни чиқарган органнинг амнистия ёки авф этиш тўгрисидаги норматив акти асосида озод қилинади. Фақат судлар жазодан озод қилиш ваколатига эга эканлиги ЖПКнинг 12-моддасида ҳам мустаҳкамланган. Жиноий жазо ҳисобланмайдиган мажбурлов чоралари давлатнинг бошқа ваколатли органлари ёки ваколатли мансабдор шахслари томонидан ҳам қўлланиши мумкин.

3) *Жиноий жазо фақат жиноят содир этишида айбдор деб топилган шахсларга нисбатангина қўлланилади*. Маҳкум жазонининг ижросидан қочганда ҳам жазо маҳкумнинг оила аъзоларига ёки яқин қариндошларига нисбатан қўлланиши мумкин эмас. Айбдор шахсга жазо қўлланиши билан боғлиқ бўлган мулкий тўловлар унинг оила аъзолари ёки яқин қариндошларидан ундирилмайди.

4) *Жиноий жазонинг мазмуни шахсни озодликдан маҳрум қилишида ёки ҳуқуқ ва эркинликларини чеклашида ифодаланади*. Шахсни жиноий жавобгарликка тортиш оқибатида у озодликдан маҳрум қилиниши мумкин. Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси қўлланилганда шахснинг эркин касб танлаш ҳуқуки, муайян лавозимни эгаллаши чекланади.

5) *Жиноий жазонинг давлат хусусиятига эга эканлиги*. Бу шундан иборатки, шахсни жиноят содир этишда айбдор деб топиш, жазо, унинг аниқ

тури ва миқдорини белгилаш фақат маҳсус давлат органи—алоҳида ҳокимият судга таалуқли бўлиб, давлатнинг бошқа органлари ёки жамоат ташкилотлари уни қўллай олмайди. Суд ҳукми давлат номидан чиқарилиб, қонуний кучга кирган суд ҳукми барча давлат, жамоат муассасалари ишлаб чиқариш корхоналари ва ташкилотлари, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурий бўлиб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сўзсиз ижро этилиши лозим. Буларнинг ҳаммаси жазонинг давлат хусусиятига эга эканлигини ифодалайди.

6) *Судланганлик шахснинг фақат жиноий жазога тортилганлиги туфайли келиб чиқади.* Жазо тайинланган, ҳукм қонуний кучга кирган кундан бошлаб шахс судланган ҳисобланади. Суд томонидан жазодан озод қилинган шахс судланмаган ҳисобланади. Судланганлик муддатининг тугаши ёки судланганликнинг олиб ташланиши билан унинг барча ҳуқуқий оқибатлари бекор бўлади. Судланган шахс жазони ўтагандан сўнг расмий ҳужжатлар тўлдирганида судланганлигини ёзишга мажбур бўлади.

Баъзи жиноятлари учун судланган шахснинг маълум вазифаларда ёки айрим жойларда ишлаш ҳуқуқи чекланади.

Бошқа таъсир чоралари қўлланилганда (маъмурий, интизомий, моддий) шахслар судланган ҳисобланмайди.

7) *Жазо- бу жиноят содир этган шахсни содир этган қилмиши учун жазолашибир.* Жазонинг бу зўрлов, мажбуров томони жиноятчини жисмоний, мулкий, маънавий ва бошқа жиҳатлардан маълум даражада чеклаш ва маҳрум қилишдир. Суд шахсни озодликдан маҳрум этганда, уни истаган жойда яшаш ҳуқуқини чегаралashi, муайян мансабни эгаллаш ёки муайян иш билан шуғулланиши чеклаши мумкин.

Жиноий жазо жиноятчининг шахсига қаратилган бўлиб, ҳатто у жавобгарликдан қочган вақтда ҳам, ундан бошқа шахсга нисбатан қўлланилмайди.

8) *Жиноий жазонинг вазифаси фақатгина содир этилган қилмиши учун жазолаши бўлмай, шунингдек, маҳкумларни тузатиш ва қайта*

тарбиялаш ҳамдири. Жиноятчиларни тузатиш учун тарбиялашнинг алоҳида воситаси бўлган—жиноий жазо чоралари зарурдир Шунинг билан биргаликда кам аҳамиятли ва ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятни содир қилган шахс, жиноий жавобгарликдан ва жазодан озод қилиниб, маъмурий, интизомий ёки жамоат таъсир чораларини қўллаш йўли билан ҳам тарбияланади.

Жазони ўташ жараёнида шахсга нисбатан қўлланилган жазони ўташ жараёнида унинг тарбиявий таъсири катта бўлади.

Юқорида кўрсатилган хусусиятлар жиноий жазони бошқа мажбурлов чораларидан фарқини кўрсатади. Жиноий жазо давлатнинг бошқа мажбурлов чораларига яқин бўлиб кўринсада, лекин улардан фарқ қиласди. Масалан фуқаролик ишлари бўйича чиқариладиган суд қарори ҳам Ўзбекистон Республикаси номидан чиқарилади ва мажбурий хусусиятга эга бўлади. Лекин фуқаролик ишлари бўйича чиқарилган ундирув тўғрисидаги қарор мулкий ёки бошқа хусусиятдаги даъволар юзасидан чиқарилади ва у жазо хисобланмайди. Бу хилдаги таъсир чоралари бевосита шахснинг ўзига қаратилмайди ва шахс учун судланганлик сингари юридик оқибат келтириб чиқармайди.

Жиноий жазо шундай усул билан таъсир этиш чорасики, у муайян сифат ва миқдор хусусиятига эга.

Сифат хусусияти деганда, жиноий жазо чораси орқали таъсир этишнинг мазмуний жиҳати тушунилади, яни унинг тури (масалан, жарима жазосини тайинлаш моддий таъсир этиш хусусиятига эга) усулда жиноятчи шахсига таъсир этишидир.

Миқдор хусусияти деганда, у ёки бу усулда таъсир этишнинг чегараси тушунилади (масалан, жарима жазосини белгилашда унинг суммаси, озодликдан маҳрум этишда унинг муддати). Ҳеч кимга жиноят қонунида белгиланган сифат ва миқдор хусусиятидан четга чиқиб жазо тайинланиши мумкин эмас. Фақат суд белгиланган жазо доирасида жиноят қонунига

мувофиқ жазо муддати ва режимини белгилаш орқали қандай миқдорда ва сифатда жазо қўлланилишини белгилаши мумкин.

Жазо сифатида фақат мажбурлов хусусиятига эга бўлган таъсир чораси тан олинади, яъни жазо қўлланилаётган ёки бошқа шахсларнинг (жазони ижро этиш муассаси), ихтиёридан қатъий назар ижро этилади. Бу ўринда жазо қўлланилаётган шахсга нисбатан субъектив муносабатда бўлиш, унинг мажбурий хусусиятига таъсир этмайди. Жазо айборд томонидан ихтиёрий тарзда ёки унинг ихтиёрига қарши мажбурий равишда ижро этилади, яъни бу ўринда унинг мажбурий эканлиги намоён бўлади.

Жазонинг мажбурий хусусияти, жазони айборд томонидан, шунингдек, жазони ижро этувчи орган ходимлари, муассасалар маъмурияти томонидан ижро этилишини билдиради.

Жиноий жазонинг мазмуни жиноят содир этишда айборд деб топилган шахснинг муайян ҳуқук ва эркинлигини чеклаш ёки улардан маҳрум этишда ифодаланади.

Жиноят қонуни доирасида таъсир этиш усули Жиноят ҳуқуқига кўра жиноий жазо чоралари фақат Жиноят кодексида тўғридан-тўғри кўрсатилган ҳолларда қўлланилади. Жиноят қонунида кўрсатилмаган жазо чораларининг қўлланилиши мумкин эмас.

Жиноят содир этишда айборд деб топилган шахсларнинг ҳуқук ва эркинликларини чеклаш ёки улардан маҳрум қилиш жиноий жазо чорасининг жазоловчи белгисини ифодалайди.¹⁹

Жазонинг муҳим функцияларидан бири - жиноят содир этган шахсни унга нисбатан жазони қўллаш орқали уни огоҳлантиришdir.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 42-моддаси 2-қисмида жазонинг мақсади белгиланган бўлиб, унга кўра: «Жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятини давом эттиришига тўскинлик қилиш

¹⁹ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар. Тошкент. 2017 йил.

ҳамда шунингдек, бошқа шахсларларнинг жиноят содир этишини олдини олиш мақсадида қўлланилади».

Конунда белгиланган жазонинг мақсади-ижтимоий адолатни тиклашдир. Бу:

биринчидан, жазо содир этилган жиноят ва ва айбдорнинг шахсига мувофиқ бўлиши, жабрланувчи ва унинг яқинлари олдида, давлат ва бошқа органлар ҳамда жамият олдида адолатни тиклаши, жиноятнинг оғирлилигига мувофиқ келишини англатади;

иккинчидан, жазонинг мақсади маҳкумни тарбиялашга қаратилгандир.

Жиноятнинг маҳсус олдини олиш–жазо чорасини қўллаш орқали маҳкумнинг руҳий ҳолати ва хулқини ўзгартириш, унинг онгидаги жиноят содир қилишга таъсир этган салбий хислатларни тугатиш ҳамда шахсларни қонунлар ва ахлоқ нормаларини ҳурмат қилиш, ҳалол турмуш кечириш ва меҳнат қилиш руҳида тарбиялашдир.

Суд жиноятчини тузатиш ва қайта тарбиялаш мақсадларини кўзда тутиб, жазо белгилаганда, ҳар бир шахснинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олиб, мақсадга мувофиқ жазо чорасини танлаши зарур.²⁰

Баъзан айбдорга жарима жазосини тайинлаш, ахлоқ тузатиш ишига жалб қилиш орқали жиноий жазонинг мақсадига эришиш ҳам мумкин. Озодликдан маҳрум қилиш жазоси эса, ижтимоий хавфлилик даражаси юқори бўлган жиноятни содир этган шахсларга нисбатан қўлланилади.

Маҳкумни тузатиш ва қайта тарбиялаш озодликдан маҳрум қилинган ёки бошқа жазо чораси қўлланилган маҳкумлар билан олиб бориладиган табиявий ишларга ҳам боғлиқдир. Бу тарбиявий чоралардан муҳими-маҳкумларни меҳнатга жалб қилиш, улар билан сиёсий тарбиявий ишларни олиб бориш, уларнинг умумий маданий савияларини ошириш ва бошқа тадбирлардан иборатдир.

²⁰ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги қарори.

Озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташ муассасаларидағи маҳсус тартиб ҳам бунда катта аҳамиятга эга. Маҳкумни тузатиш ва қайта тарбиялашда давлат органлари билан бирга жамоят ташкилотлари ва маҳнат жамоасининг ўрни ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

Жиноятни умумий олдини олишида – судланган шахс орқали бошқа шахсларни огоҳлантирилади. *Маҳсус олдини олии эса* – шахсни қайта тарбиялашга қаратилгандир.

Жазонинг мақсадига эришиш механизми унинг жазолаш хусусияти ва маҳкум томонидан уни ўталишида ифодаланади. Агар жазони қўллаш натижасида маҳкум томонидан янги жиноят содир этилишининг олди олиниши, бунда *индивидуал олдини олии* дейилади. Бу ўринда шахснинг ўз айбини тан олганлиги, жазони ўтаганлиги, шароитнинг ўзгарганлиги ёки шахснинг тузалганлиги катта аҳамиятга эгадир.

Индивидуал олдини олишнинг самарадорлиги шундаки, у маҳкумнинг жазони ўташи натижасида ички руҳиятида вужудга келган ўзгаришни ифодалайди. Бу мақсадга турли даражада эриштирувчи жазолар бор. Озодликдан маҳрум қилиш жазоси жиноятларнинг индивидуал олдини олишида катта самара бериб, бу ҳолат жазони ўташ жараёнида рўй беради. Озодиликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо, яъни ижтимоий назоратни кучайтирган ҳолда қўлланувчи шартли ҳукм қилиш ҳам индивидуал олдини олиш мақсадига эришишга хизмат қиласи.

Жиноятчиликнинг умумий олдини олиш тушунчаси хақида турли фикрлар билдирилган. Баъзи ҳолларда бу тушунчага кенг маънода қаралиб, бу нуқтаи назар умумий огоҳлантириш барча фуқароларга, жамиятнинг барча азоларига қаратилган деган талқинга асосланади.

Жазонинг жиноят содир этган аниқ бир шахсга нисбатан қўлланиши, жиноят ҳуқуқий таъқиқнинг бузилиши қандай оқибатга олиб келиши мумкинлигини кўрсатади. Бир вақтнинг ўзида умумий олдини олиш жиноят қонунчилигини бузиш мумкин эмаслиги ва жиноий жавобгарликнинг

муқаррарлигига ишонтириш, айборнинг жазоланиши жамият аъзоларига тушинтириш орқали тарбиявий функцияни ҳам бажаради.

Унча хавфли бўлмаган жиноятни содир этган, ижтимоий хавфи юқори бўлмаган шахсларга қисқа муддатли озодлидан маҳрум қилиш ёки чеклаш, ахлоқ тузатиш ишлари каби жазоларни қўллаш орқали ҳам жазонинг мақсадга эришиш мумкин.

Жазонинг мақсадларидан яна бири маҳкумнинг жиноий фаолиятини давом эттиришига тўсқинлик қилишдан иборат. Шахсга жиноят содир қилганлик учун у ёки бу турдаги жазо қўлланилганда, унинг ҳукуқи чекланади ва хулқи назорат остига олинади. Айниқса, озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинган маҳкум қаттиқ назорат остига олинади ва ўз жиноий фаолиятини давом эттириш имкониятидан маҳрум бўлади.

Давлат жиноий жазони қўллаш билан жиноятчини ўз фуқароларидан изоляция қиласи ва химоя қиласи, уни жиноят содир этиш имкониятидан маҳрум қиласи. Маълум даражада бу маҳсус огоҳлантириш чоралари доирасига киради. Ушбу мақсаднинг қонунда мустақил ажратиб қўрсатилганлиги тўғри бўлган.

Суднинг қонунни қўлловчи вазифаси жиноят содир этган шахсларга нисбатан аниқ жазо турининг суд ҳукмида белгиланишида намоён бўлади. Суд максимал даражадаги индивидуаллаштирилган жазо тайинлаш учун жиноятнинг хусусияти ва жиноят содир этган шахснинг ижтимоий хавфлилигини эътиборга олади.

Жиноят кодекси 43-моддасида жазо тизими берилган бўлиб, унда жиноятни содир этишда айбор деб топилган шахсларга нисбатан қўлланиладиган жазо турлари қўрсатилган.

Жазо тизими енгилидан оғирига қараб жойлаштирилган жазо турлари йигиндисидир.

Жазо тизими умумий принциплар асосида тизимлаштирилган. Унда қонунийлик, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, одиллилик ва инсонпарварлик принциплари мустаҳкамланган. Жиноят кодексида

кўрсатилган жазо тизимининг қўйидаги элементларини кўрсатиб ўтиш мумкин:

1) давлат номидан қўлланилиши орқали судланувчини тарбиялашга, жиноий фаолиятининг олдини олишга эришиш мумкин бўлган жазо тизимини ташкил қилувчи элементлар сифатида факат алоҳида давлат мажбурлов чоралари кўрсатилади;

2) жазо тизими элементлари ўзаро боғлик ва бири-бирини тўлдиради. Жазо тизимининг бу белгиси жазо самарадорлигига эришиш учун ҳар томонлама ёндашишни билдиради, яъни белгиланган мақсадга эришиш бирон бир жазо чорасини қўллашга эмас, балки, судланувчига комплекс тасир чораларининг қўлланилиши билан боғлиқдир. Бу белги Жиноят кодекси Maxsus қисми тегишли моддаси нормаларида альтернатив жазо чароларининг белгиланиши ёки қўшимча жазо чорасини қўлланишида намоён бўлади;

3) жиноят қонунида белгиланган давлат мажбурлов чоралари қатъий бўлиб, унинг кенгайтирилишига йўл қўйилмайди. Жиноят кодексида кўрсатилмаган жазо чораларининг айборгага қўлланиши мумкин эмас. Жиноят кодексидаги жазо тизимиға киритилмаган жазо чораси Жиноят кодекси Maxsus қисми санкциясига ҳам киритилиши мумкин эмас;

4) жазо тизимиға киритилган жазо турлари оғирлик даражасига қараб жойлаштирилган бўлиб, енгилидан оғирига қараб жойлаштирилган.

Жамиятда ва давлатда рўй берётган ижтимоий сиёсий ўзгаришлар ва ривожланиш даражаси жазо тизимиға тасир қиласи; жазо турлари ўзгаради, баъзи жазолар ўз аҳамиятини йўқотиб, жиноят қонунидан чиқарилади, янги турлари эса қонунга киритилади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида, жамият ва давлатимизда сўнгги йилларда рўй берган ўзгаришлар эътиборга олиниб, **асосий жазо турлари** қўйидагича жойлаштирилган:

- 1) жарима**
- 2) муайян хукуқдан маҳрум қилиши**

- 3) *мажбурий жамоат ишлари*
- 4) *ахлоқ тузатиш ишлари*
- 5) *хизмат бўйича чеклаш*
- 6) *озодликни чеклаш*
- 7) *интизомий қисмга жўнатиш*
- 8) *озодликдан маҳрум қилиши*
- 9) *умрбод озодликдан маҳрум қилиши*

Кўшимча жазога ҳарбий ёки маҳсус маҳсус унвондан маҳрум қилиш киради.

Хизмат бўйича чеклаш ёки интизомий қисмга жўнатиш тариқасидаги жазолар фақат ҳарбий хизматчиларга нисбатан қўлланилади.

Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси ҳам асосий жазо сифатида, ҳам қўшимча жазо сифатида қўлланиши мумкин.

Умумий ва маҳсус жазолар субъектнинг маҳсус белгиларига қараб қўлланилади.

Умумий жазолар, бу жиноят субъекти белгиларига эга бўлган ҳар қандай шахсга нисбатан қўлланиши мумкин бўлган жазо тизимиdir.

Маҳсус жазо, қонунда қатъий белгиланган субъектлар доирасига қўлланиладиган жазо чорасидир. Масалан, интизомий қисмга жўнатиш ва ҳарбий унвондан маҳрум қилиш фақат ҳарбийларга нисбатан қўлланилади.

Муайян муддат билан боғлиқ бўлмаган ва муайян муддат билан боғлиқ бўлган жазолар қўлланилаётган жазонинг хусусиятига қараб ажратилади.

Муайян муддат билан боғлиқ жазоларга суд томонидан белгиланадиган, максимал ва минимал муддатлари кўрсатилган жазолар (озодликдан маҳрум қилиш, чеклаш, ахлоқ тузатиш ишлари ва муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш) киради.

Шундай жазолар ҳам борки, уларнинг ижроси муайян вақт билан боғлиқ бўлмайди: жарима, ҳарбий ёки маҳсус ҳуқуқдан маҳрум қилиш.

Бундан ташқари маҳкумларга нисбатан **моддий жафо келтирувчи** жазолар мавжуд бўлиб, бундай жазога жарима жазоси мисол бўлади.

Маҳқумларнинг айрим хуқуқларини чекловчи жазоларга муайян хуқуқдан маҳрум қилиш киради.

Маънавий жафо келтирувчи жазоларга хизмат бўйича чеклаш, ҳарбий ёки маҳсус унвондан маҳрум қилиш жазоси киради.

Маҳқумнинг озодлигини чекловчи жазоларга интизомий қисмга жўнатиш, озодликдан маҳрум қилиш ва чеклаш каби жазолар киради.

Бундан ташқари ўз мазмуни ва қўлланиш хусусиятига кўра меҳнат, ахлоқ тузатиш билан боғлиқ ва бу билан боғлиқ бўлмаган жазолар мавжуд. Меҳнат-ахлоқ тузатиш билан боғлиқ жазоларга озодликдан маҳрум қилиш, мажбурий жамоат ишлари ва ахлоқ тузатиш ишлари каби жазолар киради.

Жиноят қонунида белгиланган жазо чоралари тизими қатъий бўлиб, суд судланувчига нисбатан қонунда белгиланган жазо чорасидан бошқа бирор-бир жазо чорасини қўллай олмайди. Жиноят кодексида белгиланган жазо тизими, жазолаш сиёсатига тўла мос келиб, ўзида жиноят хуқуки принципларини тўлиқ ифодалайди. Амалдаги жиноят қонуни ўз хусусияти ва мазмунига кўра турли жазо чораларини белгилаб, жиноятчиликка қарши курашда самарадорлигини оширишга ҳизмат қиласи.²¹

Божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик жинояти бўйича белгиланган жиноий жазоларни тайинлашда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар муҳим аҳамиятга эга.

Жиноят кодексининг 55-моддасига мувофиқ қўйидаги ҳолатлар жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топилади:

- а) айбни бўйнига олиш тўғрисида арз қилиш, чин кўнгилдан пушаймон бўлиш ёки жиноятни очиш учун фаол ёрдам бериш;
- б) етказилган заарни ихтиёрий равишда бартараф қилиш;
- в) оғир шахсий, оилавий шароитлар оқибатида ёки бошқа мушқул аҳволда жиноят содир этиш;

²¹ Жиноят хуқуки. Маҳсус қисм. Дарслик. ИИВ Академияси. Тошкент-2014.

- г) мажбурлаш ёки моддий томондан, хизмат жиҳатидан ёхуд бошқа жиҳатдан қарамлик сабабли жиноят содир этиш;
- д) жабрланувчининг зўрлик, оғир ҳақорат ёки бошқача ғайриқонунй ҳаракатлари туфайли вужудга келган кучли руҳий ҳаяжонланиши ҳолатида жиноят содир этиш;
- е) зарурий мудофаанинг, охирги заруратнинг асосли чегарасидан четга чиқиб жиноят содир этиш, ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахсни ушлашда, касб ёки хўжалик фаолиятига боғлиқ бўлган асосли таваккалчиликда зарар етказиш;
- ж) вояга етмаганнинг жиноят содир этиши;
- з) ҳомиладор аёлнинг жиноят содир этиши;
- и) жабрланувчининг ғайриқонунй ёки ахлоққа зид хулқ-атвори таъсири остида жиноят содир этиш.

Жазо тайинлашда суд ЖКнинг 55-моддасида назарда тутилмаган бошқа ҳолатларни ҳам енгиллаштирувчи ҳолат деб топиши мумкин.

Енгиллаштирувчи ҳолат ЖК Махсус қисмининг моддасида жиноят таркибининг зарурий белгиси сифатида назарда тутилган бўлса, жазо тайинлашда ҳисобга олинмайди.

Жиноят кодексининг 56-моддасига кўра қўйидаги ҳолатлар жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб топилади:

- а) ҳомиладорлиги айборрга аён бўлган аёлга нисбатан;
- б) ёш бола, қария ёки ожиз аҳволдаги шахсга нисбатан;
- в) хизмат вазифаси ёки фуқаролик бурчини бажарганлиги муносабати билан шахсга ёки унинг яқин қариндошларига нисбатан;
- г) айборрга моддий томондан, хизмат жиҳатидан ёки бошқа жиҳатдан қарам шахсга нисбатан;
- д) ўта шафқатсизлик билан;
- е) кўпчилик учун хавфли бўлган усулда;
- ж) ёш бола ёки руҳий ҳолатининг бузилганлиги айборрга аён бўлган шахсдан фойдаланган ҳолда;

- 3) жиноят натижасида оғир оқибатларнинг келиб чиққанлиги;
- и) умумий оғат шароитидан фойдаланган ҳолда ёки фавқулодда ҳолат вақтида ёхуд оммавий тартибсизликлар жараёнида;
- к) ғаразли ёки бошқача паст ниятларда;
- л) ирқий ёки миллий душманлик ёхуд адоват замирида;
- м) бир гурух шахслар томонидан олдиндан тил бириктирган ҳолда ёки уюшган гурух ёхуд жиноий уюшма томонидан;
- н) илгари ҳам қасддан жиноят содир этган шахснинг такроран ёки қасддан янги жиноят содир этиши;
- о) мастилик ҳолатида ёки гиёвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп ёхуд кишининг ақл-идроқига таъсир қилувчи бошқа моддалар таъсири остида жиноят содир этиш.

Суд содир этилган жиноятнинг хусусиятини эътиборга олиб, ЖК 56-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган ҳолатларни оғирлаштирувчи ҳолат деб топмаслиги ҳам мумкин.

Суд жазо тайинлашда юқорида қайд этилган моддада назарда тутилмаган ҳолатларни оғирлаштирувчи ҳолат деб топиши мумкин эмас.

Ушбу ҳолатлар ЖК Махсус қисмининг моддасида жиноят таркибининг зарурый белгиси сифатида назарда тутилган бўлса, жазо тайинлашда ҳисобга олинмайди.

Шунингдек, божхона тўғрисидаги қонун хужжатларини бузганлик жинояти бўйича **шартли ҳукм қилиш** қўлланилиши мумкин.

Жиноят кодексининг 72-моддасига мувофиқ, agar суд озодликдан маҳрум қилиш, интизомий қисмга жўнатиш, хизмат бўйича чеклаш ёки ахлоқ тузатиш ишлари жазоларини тайинлаш вақтида содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси, айбдорнинг шахси ва ишдаги бошқа ҳолатларни эътиборга олиб, айбдор тайинланган жазони ўтамасдан туриб ҳам унинг ҳулқини назорат қилиш орқали тузатиш мумкин, деган қатъий фикрга келса, шартли ҳукм қўллаши мумкин. Бундай ҳолда суд, башарти, белгиланган синов муддати давомида жазонинг шартлилигини

бекор қилиш асослари келиб чиқмаса, тайинланган жазони ижро этмаслик түғрисида қарор чиқаради.

Синов муддати бир йилдан уч йилгача белгиланиб, ҳукм чиқарилган кундан бошлаб ҳисобланади. Башарти, шартли ҳукм қилиш түғрисидаги қарор юқори суд томонидан чиқарилган тақдирда ҳам, синов муддатини ҳисоблаш шу кундан бошланади.

Шартли ҳукм қилинганда, башарти, бунга асослар мавжуд бўлса, суд маҳкумга муайян вақт мобайнида етказилган заарни бартараф қилиш, ишга ёки ўқишига кириш, яшаш жойи, иш ёки ўқиши жойи ўзгариб қолса, бу ҳақда шартли ҳукм қилинган шахснинг ҳулқи устидан назорат олиб борувчи органга ҳабар бериб туриш, вақти-вақти билан келиб бу органларда рўйхатдан ўтиб туриш, муайян жойларда бўлмаслик, муайян вақтда яшаш жойида бўлиши, алкогализм, гиёвандлик, заҳарвандлик ёки таносил касаллигидан даволаниш курсини ўташи каби мажбуриятларни юклаши мумкин.

Шартли ҳукм қилинган шахсларнинг ҳулқи устидан ички ишлар органлари, ҳарбий хизматчилар ҳулқи устидан эса, ҳарбий қисм ёки муассасанинг қўмондонлиги назорат олиб боради.

Ҳукм қилинган шахснинг ҳулқи устидан назорат олиб борувчи органнинг тақдими билан суд синов муддати давомида унга юклатилган мажбуриятларнинг ҳаммасини ёки бир қисмини олиб ташлаши ёки унинг зиммасига янги мажбуриятлар юклаши ҳам мумкин.

Агар шартли ҳукм қилинган шахс синов муддати давомида суд унга юклаган мажбуриятларни бажармаса ёхуд жамоат тартиби ёки меҳнат интизомини бузганлиги учун унга маъмурий ёки интизомий таъсир чораси қўлланилган бўлса суд унинг ҳулқи устидан назорат олиб борувчи орган тақдимномасига биноан жазонинг шартлилигини бекор қилиб, ҳукмда тайинланган жазони ижро этиш түғрисида ажрим чиқариши мумкин.

Шартли ҳукм ўта оғир жинояти учун ҳукм қилинганларга, шунингдек, илгари қасддан содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум этиш жазосига

хукм қилинган шахсларга нисбатан қўлланилмайди, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар, биринчи ва иккинчи гуруҳ ноғиронлари, аёллар, шунингдек, олтмиш ёшдан ошган шахслар бундан мустасно.

Шартли ҳукм қилинган шахс синов муддати давомида янги жиноят содир этса, суд унга нисбатан ЖКнинг 60-моддасида (*бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлаши*) назарда тутилган қоидалар бўйича жазо тайинлайди.

Назорат саволлари:

1. Жиноий жазо ва унинг хусусиятлари.
2. Жиноий жазонинг мақсади ва мазмуни.
3. Асосий ва қўшимча жазолар.
4. Умумий ва маҳсус жазолар.
5. Жиноий жазо турлари.
6. Жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар.
7. Жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар.
8. Шартли ҳукм тайинлаш асослари ва тартиби.

КАЗУСЛАР:

1. Божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жазо тайинлаш вақтида суд оғирлаштирувчи ҳолат сифатида судланувчининг ўзини айбор деб тан олмаганлиги, суднинг фикрича яққол кўриниб турган фактларни рад этганлиги, айбини жиноятнинг бошқа иштирокчиларига ағдаришга ҳаракат қилганлигини ҳисобга олади.

- *Судланувчининг бундай хулқ-автори жазо тайинланишига таъсир қилиши лозимми?*

- *Агар лозим бўлса, у ҳолда юқоридаги ҳолатни қандай шаклда ҳисобга олиши ва ҳукмда ифодалаши керак?*

2. Фуқаро З. ЖК 182-моддасида (Божхона тұғрисидаги қонун хужжатларини бузиш) назарда тутилған жиноятни содир этишда айбланған. Жиноят ишини тергов қилишни тугаллаган терговчи жиноят иши материалларини, айбдор үз қилмишига чин күнгилдан пушаймон бўлганлиги ва ижтимоий хавфилилигини йўқотганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш тұғрисидаги таклиф билан бирга туман прокурорига тақдим қилган.

Прокурор эса ушбу таклифни рад этиб, айбланувчи илгари ҳам шунга ўхшаш жинояти учун судланганлигини кўрсатган. Судланганлик муддати тугалланган бўлсада, ушбу ҳолат З.ни ижтимоий хавфилилигини йўқотмаганлигидан далолат беришини кўрсатган.

Бу ўринда прокурор ҳаклими?

2.2§. Жарима, мажбурий жамоат ишлари, озодликни чеклаш жазоларини қўллаш асослари.

Божхона тұғрисидаги қонун хужжатларини бузганлик учун ЖК 182-моддаси тартибida жами бешта жиноий жазо қўлланилиши белгиланған, яъни **биринчи қисми бўйича,**

*базавий ҳисоблаш микдорининг уч юз бараваригача микдорда **жарима**

*ёки тўрт юз саксон соатгача **мажбурий жамоат ишлари**

*ёки икки йилгача **ахлоқ тузатиш ишлари**

*ёки икки йилдан беш йилгача **озодликни чеклаш**

*ёхуд беш йилгача **озодликдан маҳрум қилиши**

иккинчи қисми бўйича

*базавий ҳисоблаш микдорининг уч юз бараваридан олти юз

*бараваригача микдорда **жарима**

*ёки уч йилгача **ахлоқ тузатиш ишлари**

*ёхуд беш йилдан саккиз йилгача *озодликдан маҳрум қилиши*.

Божхона тўғрисидаги қонун хужжатларини бузганлик учун қўлланиладиган **жариманинг** жиноий жазо сифатида жазо тизимиға киритилганлиги, аввало, унинг хозирги даврда муҳим жазо чораларидан бири эканлигидан далолат беради. Шу билан бирга жаримани қўллаш суд органларига ижтимоий хавфи катта бўлмаган қилмишларга жазо тайинлашда имкон қадар жазо ва жавобгарликнинг дифференцияси ҳамда индивидуализация қилишга ёрдам беради.

Жиноят кодексида жарима, айбдордан давлат даромадига пул ундирилиши, деб тушунтирилган. Жиноят кодекси 44-моддасида жариманинг миқдори базавий ҳисоблаш миқдорининг **беши баробаридан олти юз баробаригача** миқдорда белгиланади.

Жарима давлатнинг мажбурлов чораси сифатида айбдорга иқтисодий таъсир кўрсатиш орқали жиноят содир этган шахснинг мулкий ҳукуқларини чеклашдан иборатдир. Шунинг учун ҳам жарима жазо тизимида кўрсатилган жазо чораларининг энг енгили ҳисобланади.

Олиб борилган тадқиқот натижалари ушбу жазо турининг таъсирчан эканлигини кўрсатади. Республикаизда иқтисодиётнинг бозор муносабатларига ўтганлиги ва мулкчиликнинг турли шакллари тенг деб эълон қилинган шароитда жариманинг жиноий жазо сифатидаги роли жуда каттадир.

Агар жарима тегишли модда муқобил жазо чораси сифатида санкциясида кўрсатилган бўлса, уни тайинлаш орқали айбдорнинг мулкий манфаатларига таъсир кўрсатилиб, жазонинг мақсадига (тарбиялаш ва маҳкум томонидан янги жиноят содир этилишини олдини олиш) эришиш мумкин бўлган тақдирдагина жарима қўлланилади.

Жиноят қонунига кўра жарима фақат пул миқдорида белгиланади. Давлатнинг ушбу мажбурлов чорасини қўллаш хақидаги суд ҳукмида жариманинг аниқ миқдори кўрсатилиши лозим. Бунда жариманинг миқдори

хукм чиқарилаётган вақтдагисига қараб эмас, балки жиноят содир этилган вақтдаги базавий ҳисоблаш миқдорига қараб белгиланади.

Жиноят кодексида жарима жазосининг минимал ва максимал миқдорлари белгиланган бўлиб, суд ушбу доирадагина жазо тайинлаши мумкин. Агар Жиноят кодекси Махсус қисми муайян моддаси санкциясида жарима жазосининг минимал миқдори кўрсатилмаган бўлса, Жиноят кодекси 44-моддасида белгиланган минимал миқдордан кам миқдорда жарима белгиланиши мумкин эмас.

Божхона тўғрисидаги қонун хужжатларини бузганлик учун жарима жазоси миқдорини белгилашда жиноятнинг оғирлик даражаси ва судланувчининг моддий аҳволи ҳисобга олинади. Судланувчининг моддий аҳволини баҳолашда қуидагилар эътиборга олиниши лозим:

- 1) қонун билан тақиқланмаган ҳар қандай манбаадан оладиган даромадлари. Бундай даромадларга иш ҳақи, мулкий даромадлар, тадбиркорлик фаолиятидан оладиган даромадлар киради;
- 2) судланувчига мулк ҳукуқи асосида, хўжалик юритуви асосида, оператив бошқарув асосида, шунингдек ижарага олиш асосида тегишли бўлган мол-мулк;
- 3) унинг қарамоғидаги шахслар, масалан, вояга етмаган фарзандларининг мавжудлиги;
- 4) судланувчининг мулки бўйича учинчи шахслар олдидаги мажбурияти. Судланувчининг алимент тўлаши, зарарни қоплаши, солиқ тўлаши ва бошқа ҳолатлар.

Юқорида кўрсатилган ҳолатлар қатъий бўлмай суд жарима жазосини тайинлашда бошқа ҳолатларни ҳам ҳисобга олиши мумкин.

Жарима Жиноят ижроия кодексининг 19-моддасига кўра бир ой ичida тўланиши белгиланган.

Агар ҳукм қилинган шахс жазо тариқасида тайинланган жаримани мажбурий ижро этиш учун белгиланган муддатларда тўлашдан бўйин товласа ёхуд қарздорда ундирув қаратилиши мумкин бўлган мол-мулк

мавжуд эмаслиги туфайли мажбурий ижро этиш учун белгиланган муддатлар мобайнида жаримани ундиришнинг имкони бўлмаса, худди шунингдек кечиктириш муддати тугаганидан кейин жарима тўланмаган ёки жаримани бўлиб-бўлиб тўлаш шартлари бузилган тақдирда, суд жариманинг тўланмаган миқдорини мажбурий жамоат ишлари, ахлоқ тузатиш ишлари, хизмат бўйича чеклаш, озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо билан алмаштиради. Бундай ҳолда мажбурий жамоат ишларининг **икки ярим соати** базавий ҳисоблаш миқдорининг **бир баравари** миқдоридаги жаримага тенглаштирилиб, тўрт юз саксон соатдан кўп бўлмаган муддатга, ахлоқ тузатиш ишларининг, хизмат бўйича чеклашнинг, озодликни чеклашнинг ёки озодликдан маҳрум қилишнинг ҳар бир ойи базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн олти баравари миқдоридаги жаримага тенглаштирилиб, уч йилдан кўп бўлмаган муддатга тайинланади.²²

Божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун қўлланиладиган мажбурий жамоат ишлари жазо чораси.

Божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун ЖКнинг 45¹-моддасига кўра **мажбурий жамоат ишлари** жиноий жазоси қўлланилиши белгиланган бўлиб, ушбу жазо тури 2017 йил 29 мартағи ЎРҚ-421 сон қонуни билан киритилган.

Мажбурий жамоат ишлари маҳкумни ҳақ тўланмайдиган фойдали жамоат ишларини бажаришга мажбурий тарзда жалб қилишдан иборатдор. Маҳкум ишлаётган ёки ўқиётган бўлса, мажбурий жамоат ишлари ишдан ёки ўқищдан бўш вақтда ўталади.

Маҳкумлар мажбурий жамоат ишларини ўташи мумкин бўлган жойлар (объектлар) ва мажбурий жамоат ишларининг тури мазкур жазонинг ижросини назорат қилувчи органлар томонидан белгиланади.

Мажбурий жамоат ишлари **бир юз йигирма соатдан тўрт юз саксон соатгача** бўлган муддатга тайинланади ва олти ой давомида кунига тўрт

²² Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шархлар. Тошкент. 2017 йил. 1-том.

соатдан кўп бўлмаган вақтда, маҳкумга боғлиқ бўлмаган ҳолатлар юзага келган тақдирда эса, бир йилгача бўлган муҳлатда кунига тўрт соатдан кўп бўлмаган вақтда ўталади.

Мажбурий жамоат ишлари пенсия ёшига етган шахсларга, ўн олти ёшга тўлмаган шахсларга, ҳомиладор аёлларга, уч ёшга тўлмаган болалари бор аёлларга, биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронларига, ҳарбий хизматчиларга, чет эл фуқароларига ва Ўзбекистон Республикасида доимий яшамайдиган шахсларга нисбатан қўлланилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2018 йил 08 май қуни “**Мажбурий жамоат ишлари тариқасидаги жазонинг ижросини ташкил этиш тартиби ҳақидаги Низомни ҳамда мажбурий жамоат ишлари турларининг рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида**”ги №346-қарори қабул қилинди.

Мажбурий жамоат ишлари тариқасидаги жазони ижро этиш маҳкумнинг яшаш жойидаги ички ишлар органларининг жазоларни ижро этиш инспекцияси томонидан белгиланган тартиб бўйича амалга оширилади.

Маҳкумнинг мажбурий жамоат ишлари тариқасидаги жазони ўташи мумкин бўлган жойлар (объектлар) ва мажбурий жамоат ишларининг аниқ турлари маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг таклифига кўра инспекция томонидан маҳкум яшайдиган худудда белгиланади.

Мажбурий жамоат ишларига хукм қилинган маҳкум суднинг хукм, ажрим ёки қарори қонуний кучга кирганлиги ҳақидаги хабарномаси инспекцияга келиб тушган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай жазони ўташга жалб қилинади.

Маҳкум мажбурий жамоат ишларига инспекция йўлланмаси бўйича жалб қилинади. Иш берувчи — ташкилот (орган) уч қун ичida инспекцияга қабул қилинган қарори ҳақида жавоб юбориши шарт.

Маҳкумни мажбурий жамоат ишларига жалб қилишда қўйидагилар инобатга олиниши мақсаддага мувофиқ:

маҳкумнинг касбий кўникмалари (мавжуд бўлганда), агар улар мажбурий жамоат ишлари турлари рўйхатига мос бўлса;

содир этилган жиноят тури;

маҳкум иш ва (ёки) ўқишига эга бўлса — асосий иш ва (ёки) ўқиши жадвали;

ёши;

соглигининг ҳолати;

иш жойининг транспорт учун яқинлиги.

Вояга етмаган маҳкум мажбурий жамоат ишларига жалб қилинганда ишларнинг турлари ва мазмуни қуидаги талабларга жавоб бериши керак:

иш вояга етмаганларнинг қўлидан келадиган (кучи етадиган) бўлиши шарт;

иш мақбул ишчанлик қобилиятини, фойдали ҳаётий кўникма ва билимларни ривожлантиришга имкон яратиши лозим.

Махкум қуидаги ҳолатларда мажбурий жамоат ишлари тариқасидаги жазони ўташдан бўйин товлаётган деб ҳисобланади:

суднинг ҳукми қонуний кучга кирган вақтдан бошлаб ўн кун ичida яшаш жойидаги инспекцияда ҳисобга турмаслик, шунингдек жазони ўташдан бўйин товлаш мақсадида яшириниш;

ёзма огоҳлантириш олганидан сўнг, ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар мавжуд бўлмаса-да, мажбурий жамоат ишларида бир ой давомида икки мартадан кўп иштирок этмаслик (бу ерда йилнинг календар ойи эмас, балки меҳнат интизомини бузган, яъни узрли сабабларсиз мажбурий жамоат ишларига чиқмаган кундан бошлаб бир ойлик муддат назарда тутилади);

ёзма огоҳлантириш олганидан сўнг мажбурий жамоат ишларини ўташ жойи (объекти)даги ташкилот (орган)нинг ички меҳнат тартиби қоидаларини бир ой давомида уч мартадан кўп бузиш (бундай ҳолатда меҳнат тартиби қоидаларини бузиш деб қуидагилар тушунилади: ишга кечикиш, ишга маст ҳолда келиш; ишни ўзбошимчалик билан тўхтатиш; иш вақти давомида жазони ўташ жойини муддатидан аввал ташлаб кетиш; тасдиқланган

нормалар ва ишлаб чиқариш вазифаларини қасдан бажармаслик; техника хавфсизлиги ва ишлаб чиқариш санитарияси қоидаларини қасдан бузиш; иш давомида жамоат тартибини бузиш ва меҳнат мажбуриятларини бажариш давомида ташкилотга моддий зарар етказиш);

маҳкумнинг инспекция йўлланмасида кўрсатилган муддатда ишларни бажаришни бошлашдан асоссиз равишда бош тортиши;

яшаш жойи ўзгарганлиги ҳақида инспекцияни хабардор қилмаслик.

Жазони ўташ тартиби ва шартларининг маҳкум томонидан бузилиши оқибатлари ҳақида инспекция уни қонун ҳужжатларига мувофиқ ёзма шаклда огоҳлантиради.

Мажбурий жамоат ишлари тариқасидаги жазони ўташдан бўйин товлаган маҳкумга нисбатан Жиноят кодексининг **45¹-моддаси (вояга етмаганга нисбатан эса — Жиноят кодексининг 82¹-моддаси)**га мувофиқ инспекция томонидан мажбурий жамоат ишларини бошқа жазо тури билан алмаштириш тўғрисида судга тақдимнома юборилади. Суд мажбурий жамоат ишларининг ўталмаган муддатини мажбурий жамоат ишларининг тўрт соатини озодликни чеклашнинг ёки озодликдан маҳрум қилишнинг бир кунига тенглаштирган ҳолда ҳисоблаб, озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо билан алмаштиради. Бўйин товланилган вақт ўталган жазо муддатига қўшиб ҳисобланмайди.

Маҳкумнинг турган жойи маълум бўлмаган тақдирда, инспекция унга нисбатан қидиув эълон қилиш учун судга тақдимнома юборади. Маҳкум жазони ўташдан бўйин товлаган вақт жазонинг ўталган муддатига қўшиб ҳисобланмайди.

Жазони ижро этишдан бўйин товлаётган шахсларни қидириш, судьянинг ажримига биноан, ички ишлар органлари томонидан амалга оширилади.

Мажбурий жамоат ишлари тариқасидаги жазони ўташ даврида меҳнат қобилиятини йўқотган ёки пенсия ёшига етган шахс, шунингдек, бундай

жазони ўташ даврида ҳомиладорлик ёки туғиши таътили берилган аёллар Жиноят кодексининг **75-моддасига** кўра жазони ўташдан озод этилади.

Мажбурий жамоат ишлари меҳнатга лаёқатли вояга етмаганларга нисбатан олтмиш соатдан икки юз қирқ соатгача бўлган муддатга тайинланади. Вояга етмаган томонидан ўталадиган мажбурий жамоат ишлари вақти дам олиш кунлари ва маҳкум ўқишида ёхуд асосий ишда банд бўлмаган кунлари уч соатдан, иш кунлари, ўқув машғулотлари ўтказиладиган кунлари эса — икки соатдан, бироқ ҳафтасига уч кундан ошмаслиги лозим. Мажбурий жамоат ишлари вояга етмаганларнинг соғлиғига ва маънавий жиҳатдан ривожланишига зарар етказмаслиги, ўқув жараёнини бузмаслиги лозим.

Мажбурий жамоат ишлари тариқасидаги жазони ижро этиш учун суднинг қонуний кучга кирган ҳукми асос ҳисобланади.

Божхона тўғрисидаги қонун хужжатларини бузганлик учун қўлланиладиган озодликни чеклаш жазоси.

Божхона тўғрисидаги қонун хужжатларини бузганлик учун қўлланиладиган жиноий жазо турларидан яна бири **озодликни чеклаш жазосидир**. Ушбу жиноий жазо тури 2015 йил 10 августдаги ЎРҚ-389-сон қонуни билан киритилган.

Озодликни чеклаш суд томонидан маҳкумга нисбатан яшаш жойини у ёки бу сабаб билан тарк этишни бутунлай тақиқлашдан ёки сутканинг муайян вақтида яшаш жойидан чиқиши чеклашдан иборат.

Озодликни чеклаш **бир ойдан беш йилгача** муддатга тайинланади ҳамда суд томонидан белгиланадиган органлар назорати остида ўталади. Озодликни чеклаш, уни маҳкумнинг яшаш жойида ўташ шартлари содир этилган қилмишнинг хусусияти ва суд чиқарган қарорни ижро этишдан бўйин товлашнинг олдини олиш ҳисобга олинган ҳолда суд томонидан белгиланади.

Кўлланилаётган тақиқнинг (чеклашнинг) хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, суд маҳкумнинг зиммасига қуидаги қўшимча тақиқларни (чеклашларни) юклаши мумкин:

муайян жойларга бормаслик;

оммавий ва бошқа тадбирлар ўтказишда иштирок этмаслик;

муайян фаолият билан шуғулланмаслик;

муайян буюмларга эга бўлмаслик ёки уларни ўзида сақламаслик;

транспорт воситасини бошқармаслик;

маҳкумларни назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини, иш ва (ёки) ўқиши жойини ўзгартирмаслик, тегишли маъмурий ҳудуддан ташқарига чиқмаслик;

муайян шахслар билан алоқа ўрнатмаслик;

алоқа воситаларидан, шу жумладан Интернетдан фойдаланмаслик;

алкоголли ичимликлар истеъмол қилмаслик.

Суд озодликни чеклашга ҳукм қилинган шахснинг зиммасига ўзи етказган моддий ва маънавий заарнинг ўрнини қоплаш, ишга ёки ўқишига жойлашиш мажбуриятларини, шунингдек унинг тузалишига кўмаклашувчи бошқа мажбуриятларни юклаши мумкин.

Маҳкум озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташдан қасдан бўйин товлаган, шунингдек суд томонидан ўз зиммасига юкланган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, суд озодликни чеклаш жазосининг ўталмай қолган муддатини бошқа турдаги жазо билан алмаштириши мумкин. Жазони ўташдан бўйин товлаш вақти ўталган жазо муддатига қўшиб ҳисобланмайди.

Озодликни чеклаш ҳарбий хизматчилар, чет эл фуқаролари, шунингдек Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш жойига эга бўлмаган шахсларга нисбатан тайинланмайди.

Озодликни чеклаш тариқасидаги жазога ҳукм қилинган шахс суд томонидан белгиланган тақиқларга (чеклашларга) риоя этиши, шунингдек ўзининг жазони ўташи билан боғлиқ масалалар бўйича оғзаки ёки ёзма

тушунтиришлар бериш учун чақи्रув бўйича жазоларни ижро этиш инспекциясига келиши шарт.

Озодликни чеклаш тариқасидаги жазога ҳукм қилинган шахсга нисбатан электрон кузатув воситалари қўлланилиши мумкин.

Муайян вақтда яшаш жойидан кетишга, тегишли маъмурий худуд доирасида жойлашган маълум жойларга боришга ёхуд тегишли маъмурий худуд доирасидан чиқиши учун рухсатнома, шунингдек яшаш жойини ўзгартириш учун рухсатнома жазоларни ижро этиш инспекцияси томонидан берилади. Қарор тақиқларнинг (чеклашларнинг) хусусиятидан, маҳкумнинг шахсидан, унинг хулқ-атворидан, тасдиқловчи ҳужжатлар мавжудлигидан келиб чиқиб, алоҳида ҳолларда қабул қилинади.

Уй-жойидан чиқиб кетишига бутунлай таъзиқ белгиланган маҳкумнинг доимий яшаш жойидан кетиши учун рухсатномага, маҳкумнинг тегишли маъмурий худуд доирасидан чиқиши учун рухсатномага, шунингдек маҳкумнинг яшаш жойини ўзгартириши учун рухсатномага прокурор томонидан санкция берилади.

Агар озодликни чеклаш тариқасидаги жазога ҳукм қилинган шахс жазони ўташ даврида ўзининг жиноий қилмишларини англаб етгани, тузалиш йўлига қатъий ўтган, етказган моддий ва маънавий зарарининг ўрнини қоплаган бўлса, жазоларни ижро этиш инспекцияси илгари маҳкумга белгиланган тақиқларни (чеклашларни) тўлиқ ёки қисман бекор қилиш тўғрисида судга тақдимнома киритади.

Назорат саволлари:

1. Божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун қандай жиноий жазо турлари қўлланилади?
2. Божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жарима жазосини қўллашда ҳисобга олинадиган ҳолатлар.

3. Божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун мажбурий жамоат ишлари жазосини қўллаш асослари.

4. Божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун қўлланиладиган жарима ва мажбурий жамоат ишлари жазоларнинг миқдори ва ижро этиш муддатлари.

5. Божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун қўлланиладиган озодликни чеклаш жазосини қўллаш тартиби.

КАЗУСЛАР:

1. К. жиноий уюшма ташкил этганлиги ва божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлиги учун беш йил муддатга озодликни чеклаш жазосига хукм қилинган. Унинг иштирокида гуруҳ томонидан божхона чегараси орқали кўп миқдорда товар ва бошқа қимматликлар олиб ўтилган. Суд шартли хукм қилиш ҳақидаги қарорини К.нинг яшаш ва иш жойи томонидан ижобий тавсифланганлиги ҳамда жиноятнинг очилишига кўмаклашганлиги билан асослантирган.

Озодликни чеклашининг муддати тўғри тайинланганми?

Унга нисбатан шартли ҳукм қилиши асосли равишда қўлланганми?

2. Чет эл фуқароси С. ўзини уч нафар таниши билан тўрт дона Германияда ишлаб чиқарилган енгил автомобилларни ўғирлаб, сўнгра уларни Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасини айланма йўллар орқали четлаб олиб ўтиб, енгил автомобиллар олди-сотдиси билан шуғулланувчи М. Н. ва Р.ларга ҳар бир автомобилни 14 минг АҚШ долларига қалбакилаштирилган ҳужжатлар асосида сотаётганларида қўлга олинганлар.

- *Мазкур ҳолатга ҳуқуқий баҳо бериб, жавобгарлик масаласини муҳокама қилинг.*

2.3§. Ахлоқ тузатиш ишлари ва озодликдан маҳрум қилиш жазоларининг қўлланилиши.

Божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик жинояти учун қўлланиладиган жиноий жазолардан бири бу - ахлоқ тузатиш ишларидир. Ушбу жазо тури жарима жазоси сингари ЖК 182-моддасиннинг ҳар иккала қисмида мавжуд.

Ахлоқ тузатиш ишлари жиноий жазо сифатида маҳкумнинг суд ҳукмида белгиланган миқдорда иш ҳақидан ушлаб қолган ҳолда мажбурий меҳнатга жалб қилишда ифодаланади.

Бу жазо тури асосий жазо тури хисобланиб, фақат Жиноят кодекси Махсус қисми тегишли моддаси санкциясида назарда тутилган ҳолларда қўлланилади. Шунингдек ахлоқ тузатиш ишлари қўйидаги ҳолларда:

1) ахлоқ тузатиш ишлари енгилроқ турдаги жазони қўллаш тартибида Жиноят кодексинининг 57-моддасига мувофиқ қўлланиши мумкин;

2) айбдор жарима жазосини ижро этишдан бўйин товлаган ҳолда, жазонинг ижро этилмаган қисми Жкнинг 44-моддасига мувофиқ ахлоқ тузатиш ишларига алмаштирилганда;

3) бу жазо тури Жиноят кодексининг 74-моддасига кўра озодликдан маҳрум этиш жазосининг ўталмай қолган қисмини енгилроқ турдаги жазо билан алмаштирилганда қўлланилади.

Ахлоқ тузатиш ишлари жазоси ўзида инсонпарварлик принципини ифодалайди. Маҳкумга бу жазони қўллаш орқали у эркинлигидан маҳрум қилинмайди, ўз оиласида, уйидан узилмаган ҳолда ўзи аввал ишлаган муассасада (корхона, ташкилотда) ишлайди. Бу жазони қўллаш орқали маҳкумга моддий таъсир кўрсатилади, яъни айбдор иш ҳақининг муайян қисми давлат фойдасига ўтказилади. Шу орқали ахлоқ тузатиш ишларининг қўйидаги жазолаш хусусияти намоён бўлади:

биринчидан, маҳкумнинг олдинги ўзи ишлаган ёки бошқа ташкилотда мажбурий меҳнат қилиши (жазони ўташ вақтида маҳкумнинг меҳнат қилиши мажбурий ҳисобланади);

иккинчидан, юқорида қайд этилганидек, моддий таъсир-унинг иш хақидан муайян қисми давлат фойдасига ушлаб қолинади.

Жиноят кодексида бундай моддани оддий қилиб «аҳлоқ тузатиш ишлари» деб номлангани озодликдан маҳрум қилиш билан бир вақтда ахлоқ тузатиш ишлари ҳам тайинланади, деган ноўрин шубҳага ўрин қолдирмайди.

Бу жиноий жазо, яни аҳлоқ тузатиш ишларини маҳкумнинг ўз иш жойида ўташи маҳкумнинг аввалги мансабида қолишини англатмайди. Баъзи ҳолларда содир этилган жиноятлар мансаб ваколатига боғлиқ бўлади. Бундай ҳолда шахс ўз иш жойидаги бошқа вазифага ўтказилиши лозим. Бу ўринда жазонинг маҳкум ўзи ишлаган иш жойида ўталишининг ўзи муҳимдир.

Жиноят қонунида аҳлоқ тузатиш ишларининг икки тури кўрсатилган:

биринчиси, маҳкум жазони ўзи ишлаб турган жойда ўтайди;

иккинчиси, жазони жазо ижросини назорат қилувчи орган белгилаб берган жойда ўтайди.

Жазонинг қайси турини ўташ лозимлигини суд белгилайди.

Маҳкумнинг ўз иши жойи дегандা, нафақат унинг меҳнат шартномаси асосида ишлаётган, шунингдек, мустақил тарзда амалга оширадиган фаолияти (масалан, тадбиркорлик фаолияти) тушунилади. Қоида бўйича доимий хизматдаги шахсга аҳлоқ тузатиш ишини ўзи ишлаб турган жойда ўташ белгиланади. Маҳкумни тарбиялаш нуқтаи назаридан жазони ўзи ишлаб турган жойида белгилаш мақсадга мувофиқдир. Чунки маҳкум жазони уни яхши билган жамоа назорати остида ўтайди. Жазони ижро этиш жойи Жиноят кодекси тадбиқ этиладиган турли мулк шаклларидағи корхона, муасаса ва ташкилот бўлиши мумкин.

Агар суд баъзи жиддий сабабларга кўра жазони маҳкум ишлаб турган жойида ўташни мақсадга мувофиқ деб топмаса, бунинг асосларини ҳукмда

кўрсатиб, жазонинг ижросини назорат қилувчи органнинг белгилаши билан умумий асосларда ўташини кўрсатиши мумкин.

Аҳлоқ тузатиш ишини умумий асосларда ўташ шартлари доимий иш жойларида ўташдан оғирроқдир. Бунда маҳкум жазони унинг ижросини назорат қилувчи органнинг йўлланмаси билан ўзига таниш бўлмаган янги жойда ишлаб ўтайди. Маҳкумнинг меҳнати меҳнат қонунлари асосида бошқарилади, тариф ставкаси бўйича ҳақ тўланади ва иш ҳақининг ҳукмда кўрсатилган фоизи давлат даромади ҳисобига ўтказилади.

Аҳлоқ тузатиш ишни умумий асосларда ўташ тартиби ҳукм чиқариш вақтида ҳеч қаерда ишламаган ёки доимий иш жойи бўлмаган шахсларга ёки мавсумий ишларда ишловчи шахсларга, шунингдек доимий иш жойи бўлсада, лекин иш фаолиятида ўзини ёмон кўрсатган шахсларга нисбатан белгиланади.²³

Аҳлоқ тузатишга ҳукм қилинганлар иш ҳақидан давлат бюджетига ўн фоиздан ўттиз фоизгача бўлган микдорда жазони ўташ муддати давомида ҳар ойда асосий иш жойидаги иш ҳақидан ушлаб қолинади. Иш ҳақи сифатида фақат меҳнат фаолияти натижасида олинган иш ҳақигина эмас, шунингдек, тадбиркорлик фаолияти натижасида олинган даромад, стипендия, грант ва бошқалар тушинилади. Давлат фойдасига пенсия, ижтимоий ёрдам сифатида оладиган тўлов, ижтимоий суғурта ва бошқа иш ҳақига кирмайдиган тўловлар ушлаб қолинмайди.

Жиноят кодексининг 46-моддасига мувофиқ аҳлоқ тузатиш ишлари **олти ойдан уч йилгача** муддатга белгиланади.

Жазонинг ижроси жиноят ижроия қонуни билан тартибга солинади. Агар шахс суд томонидан тайинланган аҳлоқ тузатиш ишлари муддатининг жами ўндан бир қисмидан қўпроғини ўташдан бўйин товласа, суд аҳлоқ тузатиш ишларининг ўталмаган қисмини шу муддатдаги озодликдан маҳрум

²³ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шархлар. Тошкент. 2017 йил.

қилиш тариқасидаги жазо билан алмаштиради. Бунда Жиноят кодексидаги айбдор судланган модда санкциясида алмаштирилиши лозим бўлган аҳлоқ тузатиш иши муддатидан кам бўлган озодликдан маҳрум этиш жазоси кўзда тутилган ёки умуман кўзда тутганлигининг аҳамияти йўқ. Аҳлоқ тузатиш ишлари озодликдан маҳрум этиш жазоси билан алмаштирилганда унинг бир қисмини алмаштиришга йўл қўйилмайди, яъни у тўлиқ миқдорда алмаштирилиши лозим.

Аҳлоқ тузатиш ишлари пенсия ёшига етганларга, меҳнатга қобилиятсизларга, ҳомиладор аёлларга, уч ёшга тўлмаган болалари бор аёлларга ва ҳарбий хизматчиларга нисбатан қўлланилмайди.

Демак, аҳлоқ тузатиш ишлари маҳкумнинг моддий ва меҳнат қилиш хуқукларини маълум даражада чеклашдан иборатdir. Бу қуидагиларда ифодаланади:

- 1) маҳкум иш ҳақининг бир қисми -10 фойзидан 30 фойзгача -давлат фойдасига ушлаб қолинади. Фойз миқдорини белгилашда суд маҳкумнинг оиласи ве мулкий аҳволини эътиборга олади;
- 2) аҳлоқ тузатиш ишларини ўташ муддати умумий иш стажига, қонун бўйича пенсия ва бошқа енгилликлар ҳамда имтиёзлар (қўшимча иш ҳақи) олиш хуқуқини берадиган иш стажига қўшилмайди.
- 3) узлуксиз меҳнат учун бериладиган қўшимча иш ҳақи тўлаш аҳлоқ тузатиш ишини ўташ даврида тўхтатилади;
- 4) судланганлик ҳолатини келтириб чиқаради. Судланганлик ҳолати аҳлоқ тузатиш жазоси ўталгандан кейин **бир йил** ўтгач тугалланади.

Аҳлоқ тузатиш ишлари ички ишлар органлари томонидан ижро этилади, яъни маҳкумнинг яшаш жойидаги ички ишлар органларининг жазоларни ижро этиш инспекцияси томонидан амалга оширилади. Маҳкум доимий яшаш ва иш жойига эга бўлмаган тақдирда жазо ҳукм чиқарган суд жойлашган худуддаги жазони ижро қилиш инспекцияси белгилаб берган жойда ижро этилади, маҳкум ишлаб берган кунлар суд томонидан белгиланган жазо муддатининг ҳар ойига тўғри келадиган иш кунлари

миқдоридан кам бўлмаслиги керак. Агар маҳкум ана шу миқдордаги иш кунларини ишлаб бермаган бўлса ва ишламаган кунларини жазо муддатига қўшиш учун асослар мавжуд бўлмаса, ахлоқ тузатиш ишларини ўташ маҳкум белгиланган ишларини тўлиқ ўтаб бергунга қадар давом этади.

Қуйидагилар:

- а) қонун хужжатларига мувофиқ вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси тўланмайдиган касаллик вақти;
- б) маъмурий қамоқ жазони ўташ вақти ёки бошқа жиноят содир этилганлиги муносабати билан процессуал мажбурлов тариқасида қамоқда сақланган вақт;
- в) ахлоқ тузатиш ишига маҳкум этилган шахста жазони ўташ вақтида берилган маъмурий жазо тайинланган жазо муддатига қўшилмайди.

Умумий қоидага кўра ахлоқ тузатиш ишлари муддати меҳнат стажига қўшилмайди. Жиноят процессуал кодексининг 545-моддасига кўра ахлоқ тузатиш ишлари ўталган вақтни маҳкумнинг умумий меҳнат стажига қўшиш тўғрисидаги масала жамоат бирлашмаси ёки жамоа илтимосномаси бўйича, жазони ўтаб чиққан шахс меҳнатга қобилиятсиз бўлган тақдирда эса, унинг илтимосномаси бўйича ҳам мазкур шахс турган жойдаги туман шаҳар суди томонидан кўриб чиқилади.

Ахлоқ тузатиш ишлари ўталган вақтни маҳкумнинг умумий меҳнат стажига қўшиш тўғрисидаги масала суд томонидан кўриб чиқилаётган вақтда илтимоснома ким хақида берилган бўлса, шу шахснинг, шунингдек илтимос қўзғатган жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг вакили қатнашиши шарт.

Божхона тўғрисидаги қонун хужжатларини бузганлик учун қўлланиладиган жиноий жазонинг энг оғир тури озодликдан маҳрум қилиш жазоси ҳисобланади.

Озодликдан маҳрум қилиш жазоси маҳкумни суд белгилаган муддат мобайнида жамиятдан ажратиб, жазони ижро этиш колонияси ёки турмага жойлаштиришдан иборатдир. Бу асосий жазо тури бўлганлиги учун қонун

санкциясида кўрсатилган ҳоллардагина қўлланилади. **Озодликдан маҳрум қилиш бошқа ҳеч қандай асосий жазо тури билан бирга қўлланиши мумкин эмас.** Ушбу жазо тури айбдор ахлоқ тузатиш ишларидан бўйин товласа, умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси авф этиш тарзида озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштирилганида қўлланилади.

Жиноят кодексининг 50-моддасида озодликдан маҳрум қилиш жазоси маҳкумни жамиятдан ажратиб, жазони ижро этиш колонияси ёки турмага жойлаштиришдан иборат эканлиги айтиб ўтилган. Озодликдан маҳрум қилиш жазоси, жиноий жазо мақсадига бошқа жазо чораларини қўллаш орқали эришиш мумкин бўлмаганда ва маҳсус тартибда маҳкумни жамиятдан ажратган ҳолда тарбиялаш лозим бўлган ҳолларда қўлланилади. Бу жазога маҳкум қилинган шахсларнинг бир қатор хуқуqlари чекланади.

Суд озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаганида содир этилган жиноятнинг хусусияти, айбдорнинг хавфлилик даражаси ва уни қайта тарбиялаш мумкинми ёки мумкин эмасми деган саволларни ўрганиб, жазонинг турини, ўташ тартиби ва муддатини белгилайди.

Озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўйидаги бир қатор салбий хусусиятларга эга:

а) инсонни юқори даражада нормал ҳаётий шароитларга мослаштириш ният қилинган ҳолда шахс жамиятдан бутунлай ажратиб қўйилади;

б) жиноятчи онгидаги заарли тушунча ва одатларни ижтимоий фойдали бўлган сифатлар билан алмаштириш мақсад қилиб қўйилгани ҳолда, уни бошқа жиноятчилар гуруҳига қўшиб қўйиладики, бунда шахс бу жиноятчилардан кўпроқ уларнинг ёмон томонларини ўзлаштириб олмаслигига тўла ишониб бўлмайди.

в) жиноятчини нормал ҳаётга, меҳнат муҳитига, эркин шароитдаги ҳаётга ўргатиш мақсад қилинган ҳолда уни эркин ҳаётдан бутунлай узок бўлган муҳитга жойлаштирилади. Озодликдан маҳрум қилиш инсоннинг нотабиий нормал бўлмаган ҳолатидир;

г) қайтадан жиноят содир этмаслик учун шахс озодликка чиққанидан кейин тўғри йўналиш бўйича фаол ҳаракат қилиши керак бўлади (масалан, ўзига мос иш топиб ишлаш, оилавий муаммоларни бартараф этиш, спиртли ичкиликларга ружу қўймаслик ва ҳоказо). Озодликдан маҳрум қилиш жазоси эса маҳкумни пассив ҳаёт тарзи кечиришга ўргатиб қўяди.

Озодликдан маҳрум қилиш маҳкумнинг жамиятдаги хуқуқий ҳолатини чеклаб қўйишнинг алоҳида шакли бўлиб, бу уни бошқа жазо турларидан фарқ қиласди. Озодликдан маҳрум қилиш жазосини қўллаш орқали маҳкумнинг хуқуқларини чеклаш комплекс хусусиятга эга бўлиб, маҳкум руҳий ва жисмоний жиҳатдан жамиятдан, ўзи ўрганган муҳитдан изоляцияланиб, жазони қўллаш орқали белгиланган мақсадга эришиш учун маҳсус тартиб қўлланилади. Бу чеклашлар меҳнат қилиш эркинлиги, дам олиш ва меҳнат қилиш вақтининг қатъий белгиланганида, эркин ҳаракат қилишнинг, учрашувлар, посилкалар олишдаги чеклашларда ифодаланади.

Озодликдан маҳрум қилиш жазоси жиноятнинг хавфлилик даражаси ва маҳкумнинг шахсини эътиборга олиб тайинланиши лозим.

Озодликдан маҳрум қилиш жазоси бир ойдан йигирма йилгача бўлган муддатга белгиланади. Озодликдан маҳрум қилиш жазоси бир неча ҳукмларни қўшиш тартибида тайинланганда йигирма беш йилгача бўлган муддатга тайинланиши мумкин. Озодликдан маҳрум қилиш жазосининг максимал муддати жазонинг бир ёки бир неча жиноятга нисбатан тайинланишига, умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосини озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштирилишига боғлиқ.

Озодликдан маҳрум қилиш жазосини қўллашда суд жазо муддатини суд ҳукмида аниқ белигиланишига эътибор бериш лозим, муддатнинг аниқ белигиланмаслиги жиноят қонуни номасини бузиш ҳисобланиб, суд ҳукмини бекор қилинишига сабаб бўлади. Шу билан бирга суд бир қанча жиноятлар юзасидан жазо тайинлаётганда, ҳар бир ҳукм бўйича алоҳида-алоҳида жазо белгилаши ва умумиймуддатни тайинлашда муддатларни қўшиш орқали белгилаши жазо белгилаши лозим. Қисқа муддатли озодликдан маҳрум

қилиш жазосини қўллашда ишнинг барча ҳолатларидан, айборнинг шахсидан келиб чиқиб ва нима учун озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо қўлланилмаётганлиги сабаблари ҳукмда асослантирилмоғи керак. Озодликдан маҳрум қилиш жазосида тайинланганида ҳар бир модда бўйича унинг муддатлари кўрсатилмоғи зарур.

Судлар вояга етмаганларга, аёлларга, ногиронларга ва кексаларга нисбатан жазо тайинлашда озодликдан маҳрум қилиш жазосидан бошқа жазо турини қўллаш, шартли ҳукм қилиши масалаларини муҳокама қилишлари ва агарда уларни жамиятдан ажратмаган ҳолда қайта тарбиялаш мумкин эмас, деб топганларидагина озодликдан маҳрум қилиш жазосини қўллашлари лозим.

Озодликдан маҳрум қилиш жазосини қўллашда унинг қуидаги ижобий жиҳатдан самара бериши ҳисобга олиниши лозим:

1) озодликдан маҳрум қилиш жазо чораси, факат ўта оғир жиноятни содир этган шахсларга нисбатан ёки Жиноят кодекси 56-моддасида санаб ўтилган оғирлаштирувчи ҳолатлар, шунингдек жазо тизимидағи бошқа енгилроқ чораларни қўллаш имконияти бўлмаган ҳолларда тайинланади.

Бу жазони жиноий гуруҳ ташкилотчилари ва фаол иштирокчиларига нисбатан, экстремистлар, рецидивистлар, республикадаги вазиятни бекарорлаштиришга уринган, ўта оғир жиноятларни содир этган шахсларга, жамият хавфсизлигига тажовуз қилувчи жиноят содир этганларга нисбатан тайинлашда уларнинг хавфлилик даражаси эътиборга олиниши лозим.

2) озодликдан маҳрум қилиш жазоси оғир жиноят содир этган шахсларга, уюшган гуруҳ ташкилотчилари ва фаол иштирокчиларига муқаддам судланганларга нисбатан қўлланиши лозим. Бунда фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига тажавуз қилиш, порахўрлик, гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ғайриқонуний муомаласи ва қурол тарқатиш каби, шунингдек республика иқтисодиётига зарар етказувчи жиноятлар алоҳида хавф туғдиришини назарда тутиш керак. Рецидивистлар, гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддаларни мунтазам равишда ёки кўп миқдорда

сотувчилар, ўтказувчилар ёки жиноятнинг ташкилотчилари ва фаол иштирокчилари, наркотикларни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ёки унинг худуди орқали олиб ўтишни ёхуд уларни турли усувлар билан тарқатишни таъминловчилар, худди шундай жиноятлар учун муқаддам судланганлар, вояга етмаганларни жиноятга жалб қилувчилар ва ҳоказолар қаттиқ жавобгарликка тортилиши лозим. Оммавий тартибсизликлар, қирғин қилишлар ва ўт қўйишларнинг ташкилотчилари, фаол иштирокчиларига, жамоат тартибини сақлаш бўйича ўз хизмат вазифасини бажараётган ҳокимият вакилларининг ва бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи, ор-номуси ва қадр-қимматига тажовуз этувчи миллий ва ирқий teng ҳуқуқликни бузишга далолат қилувчи шахсларга қаттиқ жазо чораларини қўлланмоғи керак. Бундан ташқари бу шахсларга нисбатан жазо мақсадига бошқа таъсир чоралари қўллаш орқали эриши мумкин бўлмагандан қонун нормаси санкциясида кўрсатилган бўлса ушбу жазо тури қўлланиши мумкин.

3) бу жазони алкоголизмга чалинган, ғайриахлоқий ҳаёт тарзини кечираётган шахсларга нисбатан қўллаш самарали ҳисобланади.

Иқтисодиёт соҳасидаги жиноят ишларини (ЖКнинг 164-166, 168-169-моддаларида назарда тутилган ўта оғир жиноятлар бундан мустасно) кўриб чиқаётганда, моддий заарнинг ихтиёрий тарзда қопланганлиги жазони енгиллаштирувчи фавқулодда ҳолат эканлиги ва жиноят ишининг муайян ҳолатларидан келиб чиқиб, озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони қўлламаслик учун асос бўлади.²⁴

Қонун озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташ тартибида эркаклар ва аёллар учун алоҳида ҳолатларни назарда тутади. Озодликдан маҳрум қилинганлар жазони у ёки бу озодликдан маҳрум қилиш муассасасида ўтайдилар:

²⁴ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги қарори.

- 1) ижтимоий хавфи катта бўлмаган, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган унча оғир бўлмаган жиноят учун ва қасдан унга оғир бўлмаган жиноят содир этганлик учун озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинаётганларга нисбатан жазони манзил колонияларида;
- 2) қасдан унча оғир бўлмаган ва оғир жиноятни содир этганлик учун биринчи марта ҳукм қилинаётганларга нисбатан манзил колонияларида;
- 3) ўта оғир жинояти учун ҳукм қилинаётган ёки илгари қасдан содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаб чиқиб, қасдан янги содир этган жиноят учун ҳукм қилинаётган шахсларга нисбатан жазони қаттиқ тартибли колонияларда;
- 4) ўта хавфли рецидивистларга нисбатан жазони маҳсус тартибли колонияларда ўташ тайинланади. Озодликдан маҳрум қилинган аёллар жазони манзил колонияларида, умумий ва қаттиқ тартибли колонияларда ўтайдилар. Ўта оғир жиноят содир этган ёки ўта хавфли рецидивист деб топилган аёллар жазони қаттиқ тартибли колонияларда, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва эҳтиётсизлик оқибатида унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлар жазони манзил колонияларида, бошқа жиноятлар учун ҳукм қилинган аёллар умумий тартибли колонияларда ўтайдилар.

Манзил колониялари қўйидагиларга бўлинади:

- 1) эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган жиноятлар учун ҳукм қилинган шахслар сақланадиган манзил-колониялари;
- 2) умумий ва қаттиқ тартибли колониялардан шунингдек, тарбия колонияларидан ўтказилган маҳкумлар сақланадиган манзил колониялари.

Умумий тартибли колониялар қўйидагиларга бўлинади:

- 1) қасдан унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлик учун ҳукм қилинган шахслар сақланадиган колониялар;
- 2) оғир жиноят содир этганлик учун биринчи мара озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар сақланадиган колониялар;

3) илгари қасдан содир жиноят учун озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаган ва қасдан янги жиноят содир этганлиги учун яна судланган аёллар сақланадиган колониялар.

Қаттиқ тартибли колониялар қўйидагиларга бўлинади:

1) ўта оғир жиноят содир этганлиги учун биринчи марта озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар сақланадиган колониялар;

2) илгари қасдан жиноят содир этганлиги учун озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаган ва қасдан жиноят содир этганлик учун яна судланган эркаклар сақланадиган колониялар;

3) илгари қасдан содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаган ва ўта оғир жиноят содир этганлик учун яна судланган аёллар, шунингдек, ўта хавфли рецидивист деб топилган аёллар сақланадиган колониялар.

Махсус тартибли колониялар озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинган, ўта хавфли рецидивист деб топилган эркакларни сақлаш учун мўлжалланган.

Озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташ, маҳкумларни сақлаш тартиблари Жиноят ижроия кодекси билан белгиланган.

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахс бутун жазо муддатини, одатда, битта муассасада ўтайди.

Маҳкум касал бўлиб қолган тақдирда уни колониядан ёки турмадан ихтисослашган даволаш муассасига ўтказишга тиббий хулоса асосида йўл қўйилади.

Жиноят қонуни фақат озодликдан маҳрум қилишнинг муддатини, жазони ўташ жойини, маҳкумлар тоифасини, қайси бири жазони у ёки бу жазони ижро этиш муассасасида ўташини, ва жазони ижро этиш жойларига юбориш шартларини белгилаб беради холос.

Божхона тўғрисидаги қонун хужжатларини бузганлик учун қўлланиладиган жиноий жазонинг энг оғир тури сифатида озодликдан маҳрум қилиш жазоси ЖК 182-модданинг ҳар иккала қисмидаги жиноий

қилмишлар учун қўлланилиши билан ажралиб турилишини таъкидлаб ўтиш лозим.

Назорат саволлари:

1. Божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учунасосий жазо тuri сифатида қўлланиладиган ахлоқ тузатиш ишларининг хусусиятлари.
2. Божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учунахлоқ тузатиш ишлари жазосини қўллашнинг ҳуқуқий оқибатлари.
3. Божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун ахлоқ тузатиш ишлари жазосини бошқа жазо турлари билан алмаштириш тартиби.
4. Божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун озодликдан маҳрум қилиш жазосини қўллаш асослари.
5. Божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун қўлланиладиган озодликдан маҳрум қилиш жазосининг муддатлари ва хусусиятлари.

КАЗУСЛАР:

1. М. ЖКнинг 182-моддаси 1-қисмida кўрсатилган жиноятни содир этган. Суд айбдорни уч ойга озодликдан маҳрум қилишга ҳукм чиқарган.

Суд озодликдан маҳрум этиши жазосини тайинлаш қоидасига риоя қилганми?

2. С.божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлиги учун уч йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган. Унинг томонидан божхона чегараси орқали ноқонуний равишда кўп миқдорда товар ва бошқа қимматликлар олиб ўтилган. Лекин суд шартли ҳукм қилиш ҳақидаги қарорни қабул қилди. Суд қарорни С.нинг яшаш жойи томонидан ижобий тавсифланганлиги билан асослантирган.

С.га нисбатан шартли ҳукм қилиши асослами?

2.4§. Жиноий жазо чораларини либераллаштириш.

Хозирги кунда Республикаизда олиб борилаётган ислоҳотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. 1994 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси шахсни жиноий тажовузлардан самарали муҳофаза қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш, қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни таъминлаш учун ҳуқуқий пойдевор яратди.

Ўтган йиллар мобайнида мамлакатимиз жиноят ва жиноят-процессуал қонун ҳужжатларида унинг нормаларини такомиллаштиришга, жиноят процессига жалб этиладиган фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини сўзсиз таъминлаш мақсадида илғор халқаро стандартлар ва хорижий амалиётни имплементация қилишга қаратилган сезиларли ўзгаришлар юз берди.

Замонавий халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича **Ҳаракатлар стратегиясига** мувофиқ жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштиришнинг мутлақо янги устувор йўналишларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги “Жиноят ва жиноят процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3723-сон қарори билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш концепцияси тасдиқланди.

Қарорда мамлакатнинг жиноий-ҳуқуқий сиёсатини самарали рўёбга чиқаришга тўсқинлик қилаётган, жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигидаги айрим нормаларнинг мукаммал эмаслиги билан боғлиқ бўлган қатор муаммо ва камчиликлар мавжудлиги кўрсатиб ўтилди, хусусан:

жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимида фуқароларнинг хуқуклари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилиш, жиноят ишлари бўйича судгача ва суд жараёнида қонунийликни таъминлашга тўсқинлик қилувчи ҳуқуқий бўшлиқларнинг мавжудлиги;

жиноятларни профилактика қилиш ва олдини олиш, шунингдек, фуқароларга юксак ҳуқуқий маданият ва қонунга ҳурмат ҳиссини сингдириш борасидаги ҳуқукий механизмларнинг етарли даражада самарадор эмаслиги;

алоҳида турдаги жиноятларни содир этганлик учун санкциялар қилмишларнинг ижтимоий хавфлилик хусусияти ва даражасига номувофиқлиги, жумладан жазонинг муқобил турлари, рағбатлантирувчи нормалар ва жамоат таъсир чоралари етарли даражада қўлланилмаслиги ва самарасизлиги;

халқаро амалиётда эътироф этилган жиноят-ҳуқуқий институтларнинг етарли даражада имплементация қилинмаганлиги, жумладан юридик шахслар жиноий жавобгарлигининг мавжуд эмаслиги.

Шунингдек, қуйидагилар Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари ва вазифалари этиб белгиланди:

жиноят қонунчилиги нормаларини унификация қилиш;

жиноий жавобгарлик ва жазо тизимини такомиллаштириш;

фуқаролар ҳуқук ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларининг таъсирчан ва ишончли муҳофаза қилинишини таъминлаш.

Концепциянинг 1-бўлими “Жиноят қонунчилигини такомиллаштириш” деб номланиб, унда қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратилган:

жиноят қонунчилигини халқаро стандартларга унификация қилинганлиги ва мувофиқлаштирилганлиги нуқтаи назаридан инвентаризация қилиш;

турлича шарҳлаш ёки коррупция ҳолатлари содир этилишига йўл қўядиган ёхуд ижтимоий хавфлилик даражаси ва характеристи жиноят

қонунчилиги принципларига мос келмайдиган қилмишлар учун жавобгарлик белгиланишига йўл қўядиган нормаларни чиқариб ташлаш;

Жиноят кодексидаги фуқароларнинг ҳуқуqlари ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини самарали ҳимоя қилишга тўсқинлик қиласидиган ҳуқуқий бўшликлар, қарама-қаршиликлар ва «оқ доғлар»ни бартараф этиш;

Жиноят кодексида қўлланиладиган атама ва тушунчаларни уларнинг мазмунига аниқ таъриф бериш ва ягона шаклда қўллаш орқали такомиллаштириш;

жиноятларни олдини олиш ва бартараф этиш бўйича самарали ҳуқуқий механизmlарни яратиш, фуқароларга юксак ҳуқуқий маданиятни сингдириш, уларни Конституция ва қонунларга амал қилиш руҳида тарбиялаш;

жиноий қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва характерини белгиловчи муқобил кўрсаткичларни жорий этиш орқали жиноятларни таснифлаш тизими ва мезонларини қайтадан кўриб чиқиш;

жиноят содир этган шахсларга нисбатан жавобгарлик муқаррарлигининг ишончли кафолатини таъминлаш;

жазолар тизими ва уларни тайинлаш механизmlарини қайтадан кўриб чиқиш, эскирган ҳамда замонавий талабларга жавоб бермайдиган жазолар шакли ва турларини чиқариб ташлаш;

жиноят содир этишда айбордor деб топилган шахсларни тарбиялаш, шунингдек, содир этилиши мумкин бўлган жиноятларнинг олдини олишга қаратилган жазо турлари ва бошқа ҳуқуқий таъсир чораларини жорий этиш;

тамом бўлмаган жиноят, жиноятда иштирокчилик ва бир қанча жиноят содир этиш институтларини уларнинг мезонлари ва хусусиятларини аниқлаштириш орқали такомиллаштириш, шунингдек, улар ўртасида мавжуд зиддиятларни бартараф этиш;

рағбатлантирувчи нормаларни, жумладан жазони енгиллаштириш ёки шахсни жиноий жавобгарлик ёхуд жазодан озод қилиш шартларини ўрнатувчи нормаларни кенгайтириш;

қилмишнинг жинойлигини истисно қилувчи ҳолатларни белгиловчи нормаларни такомиллаштириш;

тиббий йўсингдаги мажбурлов чораларини қўллаш институтини, жумладан мазкур чораларни қўллаш асосларини кенгайтириш орқали ривожлантириш.

Жиноят сиёсатини амалга оширишда аввал жиноятлар деб ҳисобланмаган қилмишларни жиноятлар деб эътироф этиш, яъни **кriminalizatsiya**, ва аввал жиноятлар деб эътироф этилган қилмишларни жиноятлар эмас деб ҳисоблаш, яъни **dekriminalizatsiya** қилинади. Шунингдек, **penalizatsiya**, оғирроқ жазоларни жорий этиш, яъни жавобгарликни кучайтириш. Бунда жазо жиноятларнинг ижтимоий хавфлилик даражасига кўра белгиланиши назарда тутилади. **Dепенализация**, яъни айрим моддаларда жазонинг айрим турларини бекор қилиш ёки жазо муддатини камайтириш усулларидан фойдаланилади. Масалан, жамоат хавфсизлиги ёки суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳукуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишни таъминлаш масаласида айрим қилмишлар учун жавобгарлик оғирлаштирилади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида бу соҳа билан боғлиқ жиноий жазолар либераллаштирилади.²⁵

Шу ўринда божхона амалиётда божхона тўғрисидаги қонун хужжатларини бузиш жинояти бўйича жавобгарликка тортиш масалаларини ҳал қилишда айрим муаммолар мавжуд бўлиб, келгусида қонунчиликни такомиллаштириш ва жиноий жазоларни либераллаштиришга қаратилган қуйидаги таклиф ва мулоҳазалар кўриб чиқилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 182-моддаси диспозиция қисмида товарларни божхона чегарасидан ноқонуний олиб ўтганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

²⁵ А.Ачилов, Ҳ.Исмоилов. “Божхона ҳақидаги қонун хужжатларини бузганлик учун жавобгарлик масалалари”. Ўқув-услубий қўлланма. – Тошкент, 2016.

Амалиётда, мамлакат ҳудудида жойлашган ташқи иқтисодий фаолият божхона постларида эркин муомалага чиқариш учун олиб келинган товарларни божхона расмийлаштирувидан ўтказилишида декларацияда кўрсатилганидан ортиқча ёки кўрсатилмаган ёхуд ТИФ ТН коди нотўғри кўрсатилган ҳолатлар Жиноят кодексининг 182-моддаси билан квалификация қилинмоқда.

Божхона кодексининг 195-моддасига мувофиқ божхона кўриги ўтказилаётганда товарнинг амалдаги миқдори уни декларациялашда кўрсатилган товар миқдорига мос келмаслиги аниқланган тақдирда, божхона органи божхона мақсадлари учун товарнинг амалдаги миқдорини мустақил равиша аниқлайди ва Божхона кодекси 369-моддасига кўра, божхона расмийлаштируvida товарлар нотўғри таснифланганлиги аниқланган тақдирда божхона органи товарларни таснифлашни мустақил амалга оширади ва уларнинг таснифи бўйича қарор қабул қиласди.

Ҳозирги кунда ишбилармонлик мухитини янада яхшилаш, тадбиркорлик субъектларига ҳар томонлама қулийлик яратишга қаратилаётган эътибор ушбу соҳанинг изчил ривожланишига кенг йўл очди.

Юртимизда ишбилармонлик мухитини янада ривожлантириш ва уни янги босқичларга олиб чиқиш мақсадида амалдаги қонунчиликка бир қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда. Тадбиркорлик субъектларининг жавобгарлик масаласи эса янада либераллаштирилмоқда.

Юқоридагиларни инобатга олиб ҳамда Божхона кодексининг 195, 265-266 ва 369-моддаларига асосланиб, Жиноят кодекси 182-моддасини қуидаги, яъни “**Ушбу модданинг биринчи қисми ҳамда иккинчи қисми “а” бандида назарда тутилган жиноятни биринчи маротаба содир этган шахс, жиноят аниқланган кундан бошлаб ўттиз сутка ичida товар ва бошқа қимматликларни белгиланган тартибда божхона расмийлаштирувидан ўтказиб, тўланиши лозим бўлган божхона тўловларининг ўрнини тўлиқ ҳажмда қопласа, жавобгарликдан озод**

этилади.” деган мазмундаги учинчи қисм билан тўлдирилиши мақсадга мувофиқ.

Ушбу таклиф Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги ПФ-4848-сон Фармонида тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ ҳолда биринчи маротаба содир этиладиган хуқуқбузарликлар учун жавобгарлиқдан озод қилиниши, шунингдек бошқа ҳолларда тадбиркорлик субъектлариға нисбатан маъмурий ва жиноят қонунчилигини янада либераллаштирилиши лозимлиги нуқтаи назаридан билдирилмоқда.

Бунда тадбиркорлик субъектларининг товар-моддий бойликлари давлат фойдасига мусодара қилинмасдан тадбиркор томонидан божхона расмийлаштирувидан ўтказилиши натижасида уларнинг иқтисодий ва ишчанлик фаолиятига кенг йўл яратилишидан ташқари, тўланиши лозим бўлган божхона тўловларининг бюджетга ўтказилиши ўз-ўзидан жиноят содир этишлишининг мотиви ва мақсадини қисман бекор қилиб, қилмиш ва шахснинг ижтиоий хавфлилик даражасини пасайтиради, яъни давлатнинг иқтисодий хавфсизлигига реал зиён етказилишининг самарали олди олиниши таъминланади. Мазкур тартиб ЖК 182-моддасида назарда тутилган жиноятни биринчи маротаба содир этган шахсларга нисбатан қўлланилиши эса уларнинг таваккалчиликка асосланган фаолиятини давлат томонидан муносиб ҳимоя қилиниши ва қўллаб-қувватланишини таъминлайди.

Хозирда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг суриштирувга оид бир қатор моддаларига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларга мувофиқ терговга қадар текширув ва суриштирув институтлари ажратилиши ва ДБҚ суриштирувчиларига ЖКнинг **130-моддаси** биринчи ва иккинчи қисмларида, **130¹-моддасида**, **184-моддаси** биринчи ва иккинчи қисмларида, **244³-моддасида**, **244⁴** моддаси биринчи қисмида, **250¹-моддаси** **биринчи қисмида** назарда тутилган божхона тўғрисидаги қонун хужжатларини бузиш билан боғлиқ бўлган жиноятларга доир ишлар бўйича **суриштирув** олиб бориш ҳамда **айблок** **далолатномаси** билан судга юбориш ваколатлари берилган.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, Жиноят кодекси 182-моддаси 1-қисмининг санкциясидаги “икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади” деган жумлани “бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш” деган жумла билан алмаштириш ва шу билан ушбу жиноий қилмишни ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар туркумига киритиб, Жиноят процессуал кодекснинг 381²-моддаси 1-қисмининг 3-бандидаги божхона органлари томонидан суриштирув олиб бориш бўйича Жиноят кодекси моддалари қаторига **182-модданинг биринчи қисми** ҳам киритилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Шунингдек, ТИФ қатнашчилари томонидан ЖК 182-моддаси биринчи қисми ва иккинчи қисмининг “а” бандида назарда тутилган жиноятни бир маротабадан ортиқ содир этган ҳолатлар бўйича бўйин товланган божхона тўловлари тўлиқ ҳажмда тўланган тақдирда, озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмаслиги мақсадга мувофиқ.

Хулоса ўрнида шуни таъкидаб ўтиш жоизки, божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш жиноятлари содир этилишининг олдини олиш, аниқлаш ва уларни содир этаётган жиноий элементлар фаолиятига чек қўйиш давлатимиз иқтисодий хавфсизлигини таъминлашга ҳамда бу борада олиб борилаётган ислоҳотлар самарадорлигини оширишга ва энг асосийси халқимиз фаровонлигини юксалтиришга қўшиладиган ҳисса бўлади.

Назорат саволлари:

1. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегиясининг иккинчи йўналишини тушунтиринг.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги “Жиноят ва жиноят процессуал қонунчилиги тизимини тубдан

такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3723-сон қарорининг асосий йўналишларини айтинг.

3. Жиноий жазоларни либераллаштириш деганда нимани тушунасиз.
4. Божхона тўғрисидаги қонун хужжатларини бузиш жиноятини профилактика қилиш ва олдини олиш мумкинми.
5. Божхона тўғрисидаги қонун хужжатларини бузиш жинояти бўйича ЖКга киритилган сўнгги ўзгартириш ва қўшимчаларни айтинг.

КАЗУСЛАР:

1.С. ва Б.лар чет элда ишлаб чиқарилган кийим-кечакларни қонунга хилоф равища Ўзбекистон Республикасига олиб кириш максадида олдиндан тил бириктириб, бир ой давомида уч маротаба божхона чегарасидан жами кўп микдордаги товарларни олиб ўтишган. Сўнгра қўлга тушиб қолишдан хавфсираб, ўзларининг ушбу фаолиятларини тўхтатишган. Суриштирув органлари томонидан уларнинг юқорида содир этган қилмишлари аниqlаниб, уларга нисбатан Жиноят кодексининг 182-моддаси иккинчи қисмининг «в» банди бўйича жиноят иши қўзғатилган. Лекин С. ва Б.ларнинг ҳимоячиси унинг ҳимоясидаги шахслар асоссиз равища жавобгарликка тортилаётганлигини билдириб, прокурор номига шикоят ёзган.

- *Юқоридаги шахслар ва суриштирув органларининг ҳаракатларига ҳукуқий баҳо беринг.*

2. 2017 йил 8 августда Р.га нисбатан якка тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтмасдан туриб тадбиркорлик билан шуғуллангани ва божхона чегарасидан ноқонуний товар олиб ўтганлиги учун жарима тариқасидаги маъмурий жазо қўлланган, 2018 йил 5 октябрда эса Р. худди шундай ҳаракатларни содир эганлиги бўйича суриштирувчи томонидан ЖК 188-моддаси 1-қисми ва 182-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилган.

- *R.ning қилмиши жиноий жавобгарлика тортиши учун асос бўладими, маъмурий приюденция қоидасига тўғри амал қилинганми?*

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Мирзиёев Шавкат Миромонович. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. - Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017.
2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 2018 й.
3. Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси. Янги тахрири (Ўз.Р 20.01.2016 й. ЎҚ-400-сон Қонуни билан амалга киритилган)
4. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодекси. Тошкент. Адолат 2017 й.
5. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси Т. Адолат 2018 й.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 07 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ПФ-4947-сон фармони.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 апрел куни қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5414-сонли фармони.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” ПҚ-3665-сонли қарори.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги “Жиноят ва жиноят процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3723-сон қарори.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 05 октябрдаги “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ-4848-сон Фармони.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги “Суд-хуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4850 сонли фармони ва унга шарҳ.

12. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2013 йил 31 майдаги “Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаганлик учун жавобгарликка оид қонунчиликнинг судлар томонидан қўлланилиши тўғрисида”ги 8-сонли қарори.

13. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2013 йил 6 сентябрдаги "Божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш ва контрабандага оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги 18-сон қарори.

14. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги қарори.

15. Уголовные кодексы зарубежных стран. МГУ.2011г.

16. Волженкин Б.В. Экономические преступления. СПб., 1999г.

17. Н.В.Кузнецова. Сравнительная характеристика наказаний за контрабанду в России и некоторых зарубежных странах. Вестник МГУ. 2017.

18. А.Ачилов, Ҳ.Исмоилов. “Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик масалалари”. Ўқув-услубий қўлланма. – Тошкент, 2016.

19. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар. Тошкент. 2017 йил. 1-2 том.

20. Жиноят ҳуқуқи. Махсус қисм. Дарслик. ИИВ Академияси. Тошкент-2014.

Интернет сайтлари

1. <http://www.lex.uz>
2. [http://www. customs.uz](http://www.customs.uz)
- 3.<http://www.parliament.gov.uz>
4. <http://www.senate.gov.uz>
5. <http://www.minjust.uz>

Ҳ.И.Исмоилов

ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ

(Жиноий жазо турлари)

ўқув қўлланма

Божхона институтининг босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент ш., Қозиробод 2-тор кўчаси, 118-уй.